

Inson manfaatlarini ta'minlash uchun avvalo odamlar bilan, xalq bilan muloqot qilish, ularning dard-u tashvishlari, orzu-niyatlari, hayotiy muammo va ehtiyojlarini yaxshi bilish kerak.

Shavkat MIRZIYOYEV



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 12-aprel, chorshanba № 29 (8990)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риюя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартни ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноatchиликка қарши курашиш учун ташкил этилган кўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кеңиришини таъминлаш, юртимизда жиноatchиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келаятган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини

олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда. Хусусан:

**биринчидан**, республика, ўрта ва кўйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмагани ҳар бир ходимнинг фаолияти устувор йўналишларини ва ишнинг пировард натижаси учун шахсий жавобгарлигини белгилашни қийинлаштирамоқда;

**иккинчидан**, амалдаги ташкилий-штат тузилмалари куч ва воситалардан оқилонга фойдаланишни таъминламайяпти, оқибатда марказий ва ўрта бўғиннинг баъзи хизматларида етарли иш ҳажми бўлмағи туриб, керагидан ҳам ортиқча штат бирликлари сақланиб турган бир пайтда, кўйи бўлинмалар зиммасига ҳаддан зиёд хизмат вазифалари юкланишига олиб келмоқда;

**учинчидан**, ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолмоқда, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаёпти;

**тўртинчидан**, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаси қўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаёпти, мурожаатларга расмийлаштирилган ҳажоб берилмаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ

қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда;

**бешинчидан**, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоatchилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаёпти;

**олтинчидан**, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар қўрилмаёпти;

**еттинчидан**, ўсиб келаятган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жиноий фаолиятга, авваломбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаёпти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаёпти;

**саккизинчидан**, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги талабларга жавоб бермайди, порахўрлик ва хизмат мавқеини суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди;

**тўққизинчидан**, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси қониқарсизлигича қолмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида шу йил 11 апрель куни кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, компания ва уюмлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, мамлакатимиз шаҳар ва туманлари ҳокимлари, жамоatchилик вакиллари иштирок этди.

Селектор йиғилишида дастлаб ҳаётий муҳим масалалар бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасидаги ишларнинг ахволи муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда давлатимиз раҳбарининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлагани халқ манфаатларини таъминлаш, мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш йўлидаги улкан амалий қадам бўлгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йил бошидан буён Виртуал қабулхонага 315 мингта мурожаат келиб

тушган. Жойлардаги Халқ қабулхоналарида 47 мингдан ортиқ фуқаро қабул қилинган ва уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилган.

Шу билан бирга, жойларда баъзи раҳбарларнинг аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлари ва ҳақли талабларига бефарқ муносабатда бўлаётгани кўзга ташланмоқда. Шикоятларнинг 70 фоизи бевосита маҳаллий ҳокимлик ва идораларнинг ваколатига қирадиган масалалар бўйича бўлсада, афсуски, кўтарилаётган муаммолар жойида ҳал этилмаган қолмоқда. Шунинг учун аҳоли ва юридик шахслар марказий идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

## 8 ОЛТИН, 12 КУМУШ, 9 БРОНЗА!



Спортчиларимизнинг ҳаммаси ҳам оқори натижага эришмаслиги мумкин. Аммо улар жисмоний тарбия ва спорт билан бир умрга дўстлашади, ўзини ўзи тарбиялаш, интизомли бўлиш, камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, синовларни энгиб ўтишни ўрганади, Ватан равнақи учун хизмат қиладиган йигит-қизлар бўлиб етишади. Кейинги йилларда мамлакатимизда спортни ривожлантиришга улкан эътибор берилиб, юртимиз кўплаб нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилаётгани замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад бор.

(Давоми 15-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизimini ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

**биринчидан**, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан **"Халқ манфаатларига хизмат қилиш"** ни ўз хизмат бурчи деб билладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;

**иккинчидан**, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, баҳарлаётган ишлар муҳимлиги ва кўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлимларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш;

**учинчидан**, халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

**тўртинчидан**, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, муурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмийлик билан ёндашувларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиш;

**бешинчидан**, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдига мунтазам ҳисобот бериб бориши тизimini, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш;

**олтинчидан**, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида

бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг бартараф профилактикаси ва олди олинишини таъминлаш;

**еттинчидан**, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гоёларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизimini ривожлантириш;

**саккизинчидан**, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда янада тақомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

**тўққизинчидан**, ички ишлар органлари барча бўлимларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

**ўнинчидан**, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш.

2. 2017 йил 1 октябрдан қуйидаги тартиб ўрнатилсин: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикасини ички ишлар вазирлигини ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгаши ва вилоятлар ҳар чоракда тегишича Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилади;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ҳисоботлари ҳамда ҳар ойда уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимаси) бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилади.

Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари эшитилаётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юза-

сидан кўрилаётган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши, шунингдек эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

3. Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси негизда – Жиноят қидирув бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси;

Эксперт-криминалистика маркази ва Эксперт-портлаш техникаси маркази негизда – Эксперт-криминалистика бош маркази;

Молия-иқтисодиёт бошқармаси, Моддий-техника таъминоти бошқармаси, Ҳўжалик бошқармаси, Капитал қурилиш бошқармаси негизда – Молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси;

Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг Халқаро ҳамкорлик бўлими ҳамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўлими негизда – Халқаро ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилсин.

4. Куйидагилар: Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментига;

Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати Кадрлар бош бошқармасига;

Ташкилий-инспекторлик бошқармаси Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармасига;

Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига;

Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция ўз хавфсизлиги бошқармасига;

Котибият Жисмоний, юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасига;

Алоқа бўлими Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармасига;

Транспортдаги ички ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасига, тармоқ ички ишлар бошқармалари (бўлимлари, бўлимчалари) транспорт хавфсизлигини таъминлаш бўлимига;

Тошкент олий ҳарбий-техника билими юрти Ҳарбий-техника институтига;

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби Ёнғин хавфсизлиги институтига;

сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларига ўзгартирилсин.

5. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимаси) бошлиги лавозими жорий этилсин ва у профилактика инспекторлари ишини, аввало, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар бўлиши белгилансин.

6. Куйидаги устувор йўналишлар назарда тутилган Ички ишлар органлари тизimini тубдан ислох қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ички ишлар органлари фаолиятини тақомиллаштириш, вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш бўйича институционал ўзгаришлар;

ички ишлар органларининг фаолиятини очиқ ва ошқора, шунингдек фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илгор механизмларини жорий этиш, уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ички ишлар органларининг моддий-техника базаси, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уй-жой-маиший шароитларини янада яхшилаш.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ички ишлар органлари тизimini тубдан ислох қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш бўйича Махсус комиссия 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Махсус комиссия (А.А.Азиев):

вазирлик ва идоралар мутахассислари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг етакчи олимлари, фуқаролик жамияти институтлари-

нинг вакилларини жалб қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини тузсин ва уларнинг самарали иш олиб боришини ташкил этсин;

қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти чуқур танқидий таҳлил қилинишини ва илгор хорижий тажриба ўрганилишини, шу асосда Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашини таъминласин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини изчил ва сифатли тайёрлашни, ўз вақтида кўриб чиқилиши ва белгиланган тартибда киритилишини, шунингдек бошқа тадбирлар амалга оширилишини доимий назорат қилсин.

8. 2025 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастур тадбирларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, техника, алоқа тизими ва воситалари, дастурий таъминот маҳсулотлари ҳамда бошқа моддий-техник восита ва ресурслар бўжона тўловларидан (божхона расмийлаштирувлари учун йилгилардан ташқари) озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда бир ҳафта муддатда ички ишлар органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ички ишлар органларининг янги ташкил этилаётган бўлимчаларини жойлаштириш, жиҳозлаш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш учун бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича асосланган тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 10 апрел

2017-yil 12-aprel, № 29 (8990)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا шарҳ

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида ички ишлар органларини жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган тузилмага айлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар яқини бўйича жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди. Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга йўналтирилган "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида", "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида", "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг мантикий давоми сифатида ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қонун даражасида белгилаш, ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш мақсадида ўтган йилнинг сентябрь ойида "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Бироқ мазкур Қонун талабларини амалиётга жорий этиш имкониятлари, шунингдек фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолиятига доир муносабатларини ўрганиш соҳада ҳамон ўз ечимини қутаётган кўп миқдорда маҳалла ва маҳалла мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар тахлили ички ишлар органлари фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш ва тубдан такомиллаштириш зарурлигидан далолат бермоқда.

Миллий ва хорижий тажриба шуни кўрсатадики, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда техника воситаларидан фойдаланиш, ҳуқуқбузарликни содир этган шахс устидан назоратни кучайтириш каби анъанавий чора-тадбирлар жиноятчилик даражасини камайтиришда ҳар доим ҳам қўлланган натижаларни бермапти. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқбузар-

ликлар профилактикасида янги иш услубларини қўллаш, аҳоли ва жамоатчилик билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бундай камчиликларни бартараф этиш ва ўз ечимини қутаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Фармонда мавжуд жиддий камчилик ва муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда салбий оқибатлари чуқур таҳлил қилинган.

Жумладан, республика, вилоят ва туман даражасидаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмаган, ички ишлар органларининг иш ҳажми тақсимланмаган, ички ишлар органлари фаолиятининг олдини олиш ва профилактикаси тўғрисидаги ҳисоботи жорий этиш, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника базасини янада яхшилаш каби асосий йўналишлар алоҳида белгилаб берилган.

Фармонда ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи ишлатилиш тартиби жорий этилмоқда. Худди шундай, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлари Кенгашилари ҳар чоракда тегишли ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашилари ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботини, ҳар ойда эса унинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботини эшитади.

Ушбу эшитувлар давомида ички ишлар органлари мансабдор шахслари томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга, хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жиноятларни фож этиш, жиноятчилик ҳолатини, ҳуқуқбузарликлар кўпайишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилишга доир қўрилаётган чора-тадбирлар танқидий муҳокама қилинади. Эшитувлар якунлари бўйича ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, шунингдек мансабдор шахсларга нисбатан эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Ички ишлар органлари қўйи бўғини фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Фармон билан туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиги ла-

возимини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Унинг зиммасига профилактика инспекторлари ишини, авваломбор, воёга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишни самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади.

Шу билан бирга, Фармонда тизимда қатор ташкилий ўзгаришлар назарда тутилган. Айни пайтда дунёнинг турли минтақаларида халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг янги таҳдидлари пайдо бўлаётгани жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни ички ишлар органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида янада кучайтириш зарурлигини тақозо этмоқда. Ушбу ҳолатлар эътиборга олинган ҳолда, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси негизда Жиноят қидирув бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси ташкил этилмоқда.

Жиноятларни тергов қилиш ички ишлар органларининг яна бир муҳим вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан, тергов органларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлари Кенгашилари ҳар чоракда тегишли ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашилари ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботини, ҳар ойда эса унинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботини эшитади.

Ушбу эшитувлар давомида ички ишлар органлари мансабдор шахслари томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга, хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жиноятларни фож этиш, жиноятчилик ҳолатини, ҳуқуқбузарликлар кўпайишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилишга доир қўрилаётган чора-тадбирлар танқидий муҳокама қилинади. Эшитувлар якунлари бўйича ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, шунингдек мансабдор шахсларга нисбатан эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Ички ишлар органлари қўйи бўғини фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Фармон билан туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиги ла-

возимини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Унинг зиммасига профилактика инспекторлари ишини, авваломбор, воёга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишни самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади.

Шу билан бирга, Фармонда тизимда қатор ташкилий ўзгаришлар назарда тутилган. Айни пайтда дунёнинг турли минтақаларида халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг янги таҳдидлари пайдо бўлаётгани жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни ички ишлар органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида янада кучайтириш зарурлигини тақозо этмоқда. Ушбу ҳолатлар эътиборга олинган ҳолда, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси негизда Жиноят қидирув бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси ташкил этилмоқда.

Жиноятларни тергов қилиш ички ишлар органларининг яна бир муҳим вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан, тергов органларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлари Кенгашилари ҳар чоракда тегишли ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашилари ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботини, ҳар ойда эса унинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботини эшитади.

Ушбу эшитувлар давомида ички ишлар органлари мансабдор шахслари томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга, хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жиноятларни фож этиш, жиноятчилик ҳолатини, ҳуқуқбузарликлар кўпайишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилишга доир қўрилаётган чора-тадбирлар танқидий муҳокама қилинади. Эшитувлар якунлари бўйича ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, шунингдек мансабдор шахсларга нисбатан эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Ички ишлар органлари қўйи бўғини фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Фармон билан туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиги ла-

возимини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Унинг зиммасига профилактика инспекторлари ишини, авваломбор, воёга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишни самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади.

Жиноятларни тергов қилиш ички ишлар органларининг яна бир муҳим вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан, тергов органларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлари Кенгашилари ҳар чоракда тегишли ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашилари ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботини, ҳар ойда эса унинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботини эшитади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг халқаро алоқалари кенгайиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Бироқ бугунги кунгача вазирлиқнинг ушбу йўналишдаги фаолияти бир неча бўлинмалар томонидан иккинчи даражали вазифалар сифатида амалга ошириб келинган. Шулар эътиборга олиниб, Фармон билан тегишли таркибий бўлимлар негизда Халқаро ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилади.

Шунингдек, паспорт тизими талабларини амалга ошириш, хорижга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва бўлиш қондаларини бажариш устидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича ҳам муаммолар мавжуд. Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг аҳоли кўп муурожаат қиладиган туман (шаҳар) бўлимларида иш ҳажмининг тўғри тақсимланмаганлиги сабабли ноқулайликлар ва сансалорликлар юзага келмоқда. Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислох қилиш зарурлиги эътиборга олиниб, ушбу йўналишда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари етарли даражада бажарилмаётгани кўп жиҳатдан асосий вазифаси муурожаатлар билан ишлаш ҳисобланган аниқ таркибий тузилманинг йўқлиги билан боғлиқдир. Бунинг оқибатида фуқароларнинг муурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишнинг таъминлашда камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шу муносабат билан Фармонда Ички ишлар вазирлигининг Жисмоний, юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Фармонда қайд этилган асосий вазифаларни бажариш бўйича зарур ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни амалга ошириш мақсадида Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислох қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Фармон ички ишлар органлари тизимида туб ислохотларнинг янги босқинини бошлаб беради. Унинг ихросини таъминлаш қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ўз вақтида амалга ошириш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга ҳизмат қиладиган, пировард натижада эса фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида ички ишлар органлари бутун тизими ва ҳар бир ходим фаолияти самарадорлиги ошади.

## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Йиғилишда мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, Бош вазир А.Арипов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойберганавага кўлаб муносабатлар, айниқса, тақдирдор муносабатларга сабаб бўлаётган тизимли муаммоларни бир ой муддатда ўрганиб чиқиб, уларни ҳал этиш юзасидан комплекс таклифлар тайёрлаш вазифаси топширилди.

Селектор йиғилишида кун тартибидagi навбатдаги масала — мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Истиқлол йилларида озиқ-овқат хавфсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш соҳасида улкан ишлар амалга оширилгани, йилдан-йилга халқимиз фаровонлиги ортиб, турмуш даражаси ва сифати юксалиб бораётгани қайд этилди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан нафақат ўз аҳолисини тўлиқ таъминлашга эришгани, балки экспортга маҳсулот етказиб бераётгани ўтган йиллар давомида соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотларнинг натижасидир.

Айни вақтда мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида бу борада жиддий оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Баъзи минтақаларда яратилаётган қулай шароит ва имкониятларга қарамаддан, айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўз аҳолисини тўлиқ таъмин-

лашга эришилмаган. Масалан, Қашқадарё вилоятида маҳаллий аҳолини ҳудудда етиштирилган мева билан таъминлаш даражаси 71 фоизни, Сирдарё вилоятида 85 фоизни ташкил этмоқда. Бу албатта ҳеч қандай қаноатлангирмайди.

Йиғилишда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари билан бири — бу аҳолининг томоққа ерларидан самарали фойдаланиши билан узвий боғлиқ экани таъкидланди. Афсуски, бу борадаги аҳвол ҳамма жойда ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Масалан, жорий йил давомида ўтказилган ўрганишлар шунини кўрсатдики, Навоий вилоятида 27 фоиз, Самарқанд вилоятида 45 фоиз, Бухоро вилоятида 47 фоиз, Жиззах вилоятида 50 фоиз томоққа ерларидан, афсуски, озиқ-овқат экинлари ва мевали дарахлар экилмаган.

Ана шу масалаларни ҳал қилиш юзасидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва ҳокимликлар раҳбарларига озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди. Жумладан, мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 66 тумандаги 455 минг гектар унумдор ердан, 2017—2020 йилларда пахта ва галладан бўшайдиган 215 минг гектар майдондан унумли фойдаланиш зарурлигига урғу берилди. Шунингдек, мамлакатимиздаги 4 миллион 600 минг хонадонга тегишли 515 минг гектар томоққа ерларига жорий йилнинг 1 майга қадар озиқ-овқат экин-

ларини тўлиқ экинни таъминлаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Селектор йиғилишида яна бир муҳим масала — ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий раҳбарларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Аввало, маҳаллий раҳбарларнинг жойларда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси ва экспортни кенгайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли жон бошига даромадлар ўсишини таъминлашга қаратилган ишларни ташкил қилиш ва уларнинг қатъий назоратини амалга ошириш борасидаги муҳим вазифалари белгиланди. Маҳаллардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни халқимизга бегона бўлган турли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жойлардаги молия-солиқ органларининг асосий вазифаси сифатида маҳаллий бюджетнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш ва умуман самарали фойдаланишни ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев селектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар ҳақида тўхталиб, биз барча мамлакатимиз ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан изчил ва мутаносиб ривожлантириш, халқимиз билан доимий ва очиқ му-

лоқот олиб бориш орқали юртдошларимизни ташвишга солаётган ҳаётий муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш, аҳоли учун ҳар томонлама муносиб турмуш шароитларини яратиш бўйича кенг кўламли вазифаларни ўз зиммамажга олганимизни доимо ёдимизда тутиб, шу асосда фаол иш олиб боришимиз керак, деб таъкидлади.

Бу вазифаларни бажариш Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, ҳукуматнинг ҳар бир аъзосидан бошлаб, энг куйи бўғиндаги идора ва ташкилотлар раҳбарлари, барча ходимлардан масъулиятни чуқур ҳис этиб, қатъий тартиб-интизом билан фидокорона меҳнат қилишни, энг муҳими, амалий натижаларга эришишни талаб этиши алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун, фармон, қарор ва фармойиш, барча топшириқлар ўз вақтида, сифатли ва дўзаст бажарилиши зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Бош прокурор, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, республика туманлари ва шаҳарлари ҳокимлари, маҳаллий идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тинланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан вазифалар ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

## Ҳарбий тавсиянома имтиёзлари тақомиллаштирилди

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиз Қуроли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар олий таълим муассасаларига ўқишга киришда 50 фоизлик имтиёзга эга бўлади.

Бугун ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган давлат сиёсатида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устувор аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганнинг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўللган байрам табригиде таъкидлаганидек, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамятининг ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватаннинг тақдирини учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни қўришимиз шарт.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида»-ги қарори айти йўналишдаги сазъ-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлди.

Мuddатли ҳарбий хизматдан қайтганларнинг катта ҳаётида муносиб ўрин топишида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур турдаги имтиёз йилдан-йилга тақомиллаштириш бормоқда. Чунончи, 2005 йилдан бошлаб мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун мамлакатимиз олий ўқув юртиларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоиз миқдориди қўшимча балл шаклидаги имтиёз тақдим этилган бўлса, 2012 йилдан

эътиборан бу кўрсаткич 27 фоиз этиб белгиланди.

Янги ўқув йилидан бошлаб ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган фуқароларга мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларига киришда тест имтиҳонларида тўплаган баланинг 50 фоизи миқдориди қўшимча балл тақдим этилади.

Шу билан бирга, Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорининг бошқа бандлари ўзгаришсиз қолдирилди.

Демак, агар абитуриент мазкур имтиёздан фойдаланган ҳолда танловдан ўта олмаса, мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тўғрисида ариза топшириши мумкин. Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча бални ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўплами (блоки) ва абитуриент томонидан тўплаган балларга мувофиқ, Таълим йўналишлари бўйича давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади. Бундай аризалар тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларга берилаётган бундай имтиёзлар ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизмат нуфузини янада юксалтириш, ҳарбий хизмат давомида пухта билим ва тайёргарликни эгаллашда улар учун алоҳида рағбатлантирувчи омил бўлмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 4 апрелда имзолаган қароридан бехад қувондим, — дейди мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган тошкентлик Бекзод Зукридинов. — Чунки бу имтиёзлар ҳарбий хизматни намунали ўтаб, тавсияномага эга бўлган биз қаби ёшларнинг ёруғ келажагини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Бекзод БОЗОРОВ,  
ЎЗА мухбири

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Жамоа шартномалари ва келишувлари меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда улар турмуши даражасини оширишнинг асосий омилларида бири» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Федерация масъуллари, ҳудудий бирлашмаларнинг раҳбар ва мутасадди вакиллари, ҳуқуқшунослар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

## Жамоа шартномалари

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИ  
ЯХШИЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Тадбирда таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2017—2019 йиллар учун тузилган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув ижтимоий шериклигининг асосий ҳужжати ҳисобланади. Бош келишув асосида республикада 95 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишувлар, бевосита қорхона, ташкилотларда эса 158 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилмоқда.

— Жамоа шартномаларига киритиш орқали иш вақти ва дам олиш вақтини тартибга солиш борасида аксарият қорхона ҳамда ташкилотларда асосий узайтирилган ва қўшимча таътиллар ўрнатилган, — дейди Федерациянинг Ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш бўлими мудир Маҳмуд Исаев. — Шунингдек, иш стажига қараб қўшимча таътиллари бериш тартиби жорий этилган. Натижада, ҳар йили 2 миллион нафардан зиёд ходим асосий узайтирилган, 3 миллионга яқин меҳнаткашлар эса йиллик қўшимча таътиллاردан фойдаланмоқда.

Жорий йилда тузилаётган жамоа шартномалари ва келишувлари бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тадбирлар билан бойитилмоқда. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш, иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, энг кам меҳнат ҳақи стандартларига риоя этилиши юзасидан қўшимча чоралар қўриш, иш бериувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш, ходимларни тиббий кўриқдан бепул ўтказиш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини маданий дам олдириш ҳамда уларни соғломлаштиришни ташкил этишга қаратилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Д.ДУЎСТБЕКОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

2017-yil 12-aprel, № 29 (8990)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган "2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳанинг ҳар томонлама ривожланиши ва такомиллашувига хизмат қилиши билан аҳамиятли. Қарорда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, хусусан, нодавлат MTMлар фаолиятини яхшилаш, уларга методик қўмак бериш каби кенг қўламли комплекс тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.**

Республикамизда 74 та нодавлат MTM ташкил этилган бўлиб, улар Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги "Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида" низоми бўйича иш олиб бормоқда. Нодавлат MTMда таълим жараёни мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари асосида ташкил этилиши белгиланган. Мазкур муассасалар ҳудуддаги аҳолининг эҳтиёжи ҳамда тўлов қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, замонавий жиҳозланган биноларда фаолият юритмоқда.

— Нодавлат MTM тарбиячиси болаларни мактаб таълимига тайёрлаш учун зарур маҳоратга эга бўлиши, муддатли малака ошириш курсини ўташи зарур, — дейди Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Мавлуда Рустамова. — Бунинг учун марказимизда нодавлат MTM ходимларининг малакасини ошириш гуруҳларини буюртмага қўра шартнома асосида шакллантирамиз. Жараёнда тарбиячилар Халқ таълими вазирлиги томонидан тасвия этилган ва тасдиқланган дастур асосида ўқитишни ташкил этиш бўйича методик тасвия олишади. Курсдан кейинги истиқбол режасида ҳар бир тарбиячининг соҳадаги янгиликлар ва замонавий педтехнологияларни фа-

рат қилиш, зарур таълимий меъёрий ҳужжатларни юритиш каби вазифалар белгиланган бўлиши қўйилган.

Нодавлат MTM ҳам белгиланган талаблар асосида болаларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбияловчи ҳамда мактаб таълимига тайёрловчи маскандир. Шундай экан, соҳадаги янгиликлардан нодавлат MTMлар

лими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти қошида рус гуруҳи ташкил қилинмагани сабабли 12 нафар тарбиячи малака оширмаган. Ушбу тарбиячиларнинг буюртмаси ҳам қаноатлантирилса, рус гуруҳларидаги болажонларга замон талаби даражасида таълим-тарбия бериш таъминланади.

Худуддаги нодавлат MTMлар

белгиланган ўқув дастурлари асосида иш олиб бораётган нодавлат MTMларда тарбияланган болажонлар мактаб дастурларини узилишсиз ўзлаштирмоқда.

— Бундан ўн-ўн беш йиллар аввалги нодавлат MTM билан бугунгиси ўртасида анча фарқ бор. Авваллари ҳамма ўз билганича — кимдир хорих технологияси бўйича, кимдир бошланғич синфларда ўтиладиган методикалар асосида иш олиб борарди, — дейди нодавлат MTM мутахассиси Ирисжон Байсалова. — Бу тарзда таълимий тайёргарликдан ўтган бола биринчи синфдаги такрор маълумотларни қайта ўрганишдан ёки бошқа тилда саводи чиққанидан қийналарди. Эндиликда ушбу муаммолар бартараф этилди. Нодавлат MTMлардаги машғулотлар давлат талаблари асосида олиб борилгани учун мактаб таълими билан узвийлик таъминланди.

Таъкидлаш кераки, сўнгги йилларда аҳоли ўртасида нодавлат MTMлар ҳақида тарғибот ва тўлуштириш ишлари олиб борилиши натижасида шаҳар ҳудудларида аҳолининг бундай муассасаларга қизиқиши ортган.

— Қизим уйимизга яқин жойдаги нодавлат MTMга қатнайдми, — дейди Феруза Зохидова. — Педагогларнинг болажонлиги, ҳар кунлик машғулотларда фарзандимизнинг ниманидир ўрганиши, рақс тўғрисидаги қатнашиши бизга маъқул. Хафтада уч кун "Happy English" клубида чет тилини ўрганаётгани ҳам орзуларимизга мос келади.

Қўшимча таълимий хизматлар ва белгиланган дастур асосида фаолият олиб бораётган нодавлат MTMлар бугунги кунда аҳоли ишончини оқламоқда. Натижада мактабгача таълимнинг муқобил шакли сифатида болаларнинг мактабгача муассасаларга қамровини оширишга амалий ёрдам берадиган масканга айланмоқда.

Насиба ЭРХОНОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

## Болаларни мактабга сифатли тайёрлаш

бунда нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг роли ортмоқда

олиятида қўллаши инobatга олинади. Шунингдек, марказ томонидан "Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва методик хизмат кўрсатиш бўйича услубий тавсиялар", Давлат тест маркази томонидан "Нодавлат таълим муассасаларини лицензиялаш бўйича услубий тавсиялар" чоп этилиб, жойларга етказилди. Қўлланмада нодавлат MTMларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари аниқ кўрсатилган. Хусусан, нодавлат MTM аҳолининг розилиги билан болалар соғлиги учун зарарли ишлар чикариш қорхоналари (ёшилги қуйиш шохобчалари, кимё заводи) бўлмаган ҳудудда, Давлат тест маркази томонидан 5 йилга берилган лицензия асосида ташкил этилади. Юридик шахс мақомига эга бўлган нодавлат MTM фаолиятида намунали методик хизматни йўлга қўйиш, туман ХТМФМТТЭБ билан узвий ҳамкорлик, методик уюшма йиғилишлари, ўқув-семинар ва конференцияларда иштирок этиш, методик самардорликни назорат

педагог ходимлари қай тарзда хабардор этилади?

— Вилотимиздаги 10 та нодавлат MTMнинг ҳар бири ҳудуддаги ХТМФМТТЭБ билан ҳамкорликда ишлайди, — дейди республика нодавлат MTM ассоциациясининг Самарқанд вилоти бўйича раҳбари Мунира Клеблева. — Ассоциация томонидан тасдиқланган режага қўра, ҳар бир тарбияланувчининг ўзлаштиришини мониторинг қилиб борамиз. Хусусан, ушбу муассасаларда тарбияланётган 507 боланинг жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена йўналиши бўйича — 89 фоиз, ижтимоий-ҳиссий ривожланиш йўналиши — 90 фоиз, нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик бўйича — 85 фоиз, билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиши 88 фоизни ташкил этган. Бундай натижага эришишда барча муассаса тарбиячиларининг ўз вақтида малака ошириб, маҳоратини бойитиётгани муҳим омил бўляпти. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, вилотда халқ таъ-

педагогларининг касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориш мақсадида халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Санкт-Петербург ҳамда Москва шаҳарларидан таклиф этилган малакали педагоглар иштирокида тренинглари олиб борилди.

— Нодавлат MTMларда болажонларга меҳр билан таълим-тарбия бераётган 50 га яқин тарбиячининг ҳар бири туман ХТМФМТТЭБ билан ҳамкорликда иш олиб боради, — дейди Самарқанд вилотда халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим услубчиси Дилфуза Азизова. — Илгор таълим шакллари қўллаётган ижодкор тарбиячиларнинг тажрибаларини вилот миқёсида ўрганиш учун ҳамкорликда семинар-тренинглари ташкил этилмоқда. Ўқув йили бошида вилот миқёсида ташкил этиладиган методик уюшмаларга ҳам ҳар бир нодавлат MTMдан ходим таклиф этилади ва улар каскад шаклида ўрганганларини жамоадошлари билан ўртоқлашади. Шу тарзда Халқ таълими вазирлиги томонидан

### Мактабгача та'лим муассасаларида

## MTM фаолияти ота-оналарни қониктирди

Мактабгача таълим — узлуксиз таълимнинг муҳим таркибий бўғини ҳисобланади. Ўғил-қизларнинг келгусида мактаб ўқув дастурини қандай ўзлаштириши кўп жиҳатдан MTMда олинган таълим-тарбияга боғлиқ. Шу боис ҳам мамлакатимизда мактабгача таълимни ривожлантириш ҳар доим долзарб аҳамият касб этган. Муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, капитал реконструкция қилиш, таъмирлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Зомин туманидаги "Бинафша" номи 8-мактабгача таълим муассасаси ҳам ўтган йили капитал таъмирланди. Натижада бугунги кунга келиб "Бинафша"нинг ташки қўрилиши ва қиёфаси тамоман ўзгарди. Муассаса ҳудудида кенг қўламада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Эътиборлиси, масканда фарзандлари тарбияланишини истаган ота-оналар сафи ҳам ортди.

— Муассасамизда 589 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди MTM мудираси Заҳро Ҳасанова. — "Вербу" хусусий фирмаси таъмирлаш ишларини сифатли адо этди. Биномизнинг эшик-деразалари ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан алмаштирилди, том қисми янгиланди. Хоналарнинг таълим қоз билан мўътадил исиши учун 7 та ҳозончона ўрнатилди. Ички сану-

зел тармоқлари сифатли таъмирланди. Дам олиш хоналарининг жиҳозлари, кўрпачи, ёстиқлар янгиланди.

6 та гуруҳда 9 нафар тарбиячи самарали меҳнат қилаётган боғчада 11 номдаги ривожлантирувчи марказлар фаолияти йўлга қўйилган. Бадий адабиёт, мусиқа, математика, қуриш-ясаш, миллий қадриятлар, сув ва ҳаво каби марказлар шулар жумласидан. "Болажон" дастури асосида жажиларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши учун машғулотлар қизикarli ташкил этилмоқда. Бармоқлар, қўл ҳаракатларини ривожлантирувчи уйинларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун гуруҳларда лой, пластилин каби уй-рўзгор буюмларини тайёрлашни болажонлар жон-дили билан бажаради.

Хоналар ҳаммиса бир хил ҳароратда. Кичкинтойларга меъёрий талаблар асо-



сида витаминли ва қувватбахш сўт маҳсулотлари, тўйимли овқатлар беришга эътибор қўйилган. Муассасанинг қиш ва баҳор мавсумига етадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари захираси мавжуд.

Яратилган шароит гуруҳларда машғулотларнинг қизиқarli йўналиши таъминламоқда. Табиат мавзусидаги, миллий қадриятларга бағишланган уйин тарзидаги саҳналаштирилган томошалар ўғил-қизлар фаоллигида ўтапти. Бадий гимнастика, рус, инглиз тили тўғраракларини тажрибали мураббийлар олиб борапти. Логопед-шифокор ҳафтасида уч кун болажонлар билан муо-

лажалар ўтказилади. Амалга оширилаётган бу каби ижобий ишлардан ота-оналар ҳам мамнун.

— "Бинафша"даги тартиб-интизом, ходимларнинг вазифасига масъулият билан ёндашиши кишини қувонтиради, — деди ота-оналар қўмитасининг раиси Нуринос Азимова. — Тарбиячиларнинг ширинсўз ва болажонлиги бизга манзур. Муҳими, муассасада соғлом муҳит қарор топган. Ота-оналар машғулотларда иштирок этиб, тарбиячилар фаолиятини бевосита кузатиш имконига эга. Менинг ҳам икки набирам шу ерда тарбияланади. Турли тадбирларни биргаликда ташкил этаёямиз.

Муассасада боғчага қамраб олинмаган болалар учун ҳам қисқа муддатли гуруҳ ташкил этилди. Гуруҳда 20 нафар кичкинтой мактабга тайёрланмоқда. Тарбиячи Замира Йўлдошева ўғил-қизларни мактабга тайёрлашда "Билимдон" дастури асосида режали машғулот олиб борапти.

Эътибор ва гамхўрликка жавобан жамоа турли тадбирларда ютуқларга эришмоқда. Мисол учун 2016 йилда тарбияланувчилар "Соғломжон-полвонжон" кўрик-танловининг вилот босқичида 2-ўринни, "Баҳорой сайли" тадбирининг миллий қадриятлар йўналишида вилотда 1-ўринни қўлга киритди. Муассаса "Энг обод таълим муассасаси - 2016" республика кўрик-танловида 1-даражали диплом билан тақдирланди. Албатта, бундай ютуқлар замирида жамоада меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг муносиб улуши бор.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Жиззах вилоти

## Yangiliklarda yurt nafasi



### Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси ташаббуси билан пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 145-мактабгача таълим муассасасида «Бир болага беш китоб» шиори остида китоб марафони ўтказилди.

Ушбу мактабгача таълим муассасасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси кўмаги билан кутубхона ташкил этилди. Зий маскани ихчам кўришдаги китоб жавонлари, каталог қутилари, мўлолаа столлари, замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланди. Болажонлар тарбиячи опалари, ота-оналари билан келиб, вақтини мазмунли ўтказмоқда. Кутубхона хизматидан мазкур муассаса тарбияланувчиси бўлмаган болалар ва уларнинг ота-оналари ҳам фойдаланиши мумкин.

Марафонда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги Гафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, маҳалла фаоллари, ота-оналар ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари, мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти, аждодларимизнинг маънавий жасорати, қаҳрамонликларига бағишланган кўплаб китобларни кутубхонага совға қилди.

### Фарғонада ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида «Одам савдоси — асп муаммоси» шиори остида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси, вилоят прокуратураси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда ҳудудий босқичларда голиб бўлган тўрт жамоа иштирок этди.

— Ўз ҳуққини билган инсон ҳеч қачон адашмайди, жамиятда ўз ўрнини топади, — дейди вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Уктамжон Абдурасулов. — Бугунги кунда ёшларимиз ўртасида турли жиноятларнинг олдини олиш, хусусан, одам савдосига қарши курашиш барчамизнинг муҳим вазифамиздир. Уч босқичда ўтказилган мазкур кўрик-танлов ҳам ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жамоалар чиқишларида одам савдосининг муҳиди оқибатларини очиб берди. Танловда Марғилон педагогика коллежининг «Келажак» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

### Адлия вазирлиги томонидан Тошкент юридик коллежида битирувчиларни юридик хизматлар фаолиятига жалб этиш масалаларига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Айни пайтда Нукус, Самарқанд, Жиззах, Наманган, Фарғона ва Тошкент шаҳридаги ҳуқуқшунослик йўналишига ихтисослашган коллежлар ҳамда Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-хунар коллежида ёш ҳуқуқшунос кадрлар тайёрланмоқда. Адлия вазирлиги томонидан битирувчиларни эгаллаган касби бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2015-2016 ўқув йилида ҳуқуқшуносликка ихтисослашган касб-хунар коллежларини битирган 3551 ўқувчидан 3454 нафарининг бандлиги таъминланган.

Ҳозиргача жорий йилда ҳуқуқшуносликка ихтисослашган коллеж битирувчиларининг 2628 нафари билан туман, шаҳар ҳокимликлари — корхона — битирувчи — коллеж ўртасида тўрт томонлама шартномалар имзоланган.

— Таълим ва амалиёт уйғунлиги замонавий билим ва ишлаб чиқариш кўникмасига эга ёш мутахассисларни тайёрлашда аҳамиятга эга, — дейди Тошкент юридик коллежи ўқувчиси Дилноза Муҳиддинова. — Очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда соҳа мутахассислари, кекса ҳуқуқшунослар берган ўғитлар, йўл-йўриklar бизда катта таассурот қолдирди.

### Бўстонлик тумани «Хумсон» қишлоқ фуқаролар йиғинида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарбия ва табиатни муҳофаза қилишга бағишланган экологик акция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати, «Medical-Express» журнали ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган акцияда Экоҳаракат ва унинг «Ёшлар қаноти» фаоллари, шифокорлар, фермерлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Акцияда экологик муаммоларнинг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг янада самарали чораларини ишлаб чиқиш, санаот корхоналарини модернизация қилиш, кам чиқитли технологияларни жорий этиш каби мавзуларда суҳбатлар бўлиб ўтди, — дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия кўмитасининг ҳудудий бўлимлар ва фаоллар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Ш.Азизов. — Аграр соҳа мутахассисларнинг бодғорчиликни ривожлантириш, хусусан, интенсив боғларни томчилатиб сугориш, парваришlash, бу борада ҳудудда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақидаги маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Акция доирасида «Акмал — Наргис — Аббос» фермер хўжалигининг ер майдонида 150 туддан ортқ турли мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб, ярим гектарлик янги боғ барпо этилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

## «Ўқитувчиликдан — тренерликка»

Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида француз тили ўқитувчилари учун «Ўқитувчиликдан — тренерликка» деб номланган семинар ташкил этилди.

Халқ таълими вазирлиги ва Фарғонанинг Ўзбекистондаги элчиixonаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур семинарда француз тилини ўқитишда интерфаол усуллардан унумли фойдаланиш, кўшимча манбалар билан ишлаш, тажрибаларни амалда қўллаш, грамматикани ўрганиш ва ўргатиш йўллари хусусида машгулотлар олиб борилди. 20 соатлик малака ошириш машгулотларини франциялик мутахассис Элоди Рессуш олиб борди.

Айтиш жоиз, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида чет тилларни ўқитиш механизми тубдан ўзгарди. Ранглик-безакли чет тили дарсликларини яратилгани, дарслар қизиқарли ўйин ва энг илгор ме-

тодлар асосида олиб борилаётгани йўлга қўйилди. Бу жараёнда касбий кўникмаси юқори, малакали ўқитувчиларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Шу йилнинг 4—7 апрель кунлари ташкил этилган мазкур семинар ушбу қарор ижросини таъминлаш, пировардида маҳоратли ўқитувчи-тренерларни тайёрлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Республикамиз таълим муассасаларидаги француз тили ўқитувчиларини таълим янгиликларидан баҳардор этиб бориш, ўқитишнинг энг илгор метод ва усулларини улар фаолиятига татбиқ этиш бугунги кун талабидир. Бунинг учун жойлардаги илгор амалиётчи ўқитувчиларни танлаб олиб, уларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқ-

дамыз, — дейди Халқ таълими вазирлиги Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илгор педагогик технологияларни жорий этиш бўлими бошлиғи Абдураҳим Носиров. — «Ўқитувчиликдан — тренерликка» семинари шундай лойиҳалардан бўлиб, француз тили ўқитувчиларини тренерликка тайёрлашга қаратилган. Ҳудудлардаги умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган 50 нафар илгор ўқитувчини саралаб, икки йил давомида ҳар олти ойда семинар ташкил қилган ҳолда уларнинг касбий маҳорати ва малакасини ошириб келмоқдамиз. Келгусида улар ўзлаштирган малака, кўникма ва маҳоратларини ўз худудларидаги таянч мактабларда ташкил этиладиган ўқувларда ҳамкасблари билан ўртоқлашадилар.

Семинар сўнггида тренер ўқитувчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Илхом ЖўРАЕВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## Экологик янги электрон чиқиндидан тозалайлик

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамда «Тошрангметзавод» акциядорлик жамияти томонидан «Ўзбекистон Республикасида чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, рангли металл парчалари ва электрон чиқиндиларни утилизация қилиш тартиби» мавзусида семинар ташкил этилди.

Тадбирда юртимизда қаттиқ маиший чиқиндилар билан ишлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳақида сўз юритилди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Нўъмонжон Шокиров, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси ўринбосари Артур Мустафин, «Тошрангметзавод» акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи Жонибек Бердиев ва бошқалар маиший чиқиндилар ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани атроф-муҳитга жиддий таъсир кўрсатаётгани, бу муаммони бартаараф этишнинг долзарблигини таъкидлади. Статистика маълумотларга кўра, мамлакатимизда ку-

нига 12–13,5 минг, бир йилда 5 миллион тоннага яқин маиший чиқинди ҳосил бўлар экан.

— Маиший ва электрон чиқиндилар — полимер, қоғоз, шиша, резина, ярқосиз тўқимачилик маҳсулотларини утилизация қилиш ҳамда қайта ишлаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Жонибек Бердиев. — Республикаимизда маиший чиқиндиларни қайта ишлашга ихтисослашган 317 та корхона фаолият юритмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида «Toshrangmetzavod Recycling» МЧЖни ишга тушириш режалаштирилган. Шу йилнинг 11 апрелидан «Табиатга имкон берин!» лойиҳаси остида барча ташкилот, корхона ва аҳолидан электрон чиқинди қабул қилиш жараёни бошланади. Лойиҳага кўра, телевизор, кир ювиш машинаси, чанготкич ёки шунга ўхшаш буюм соғит олмоқчи бўлган фуқаро «Media Park» савдо марказига ярқосиз электрон маҳсулотларини топшириб, 250 минг сўмгача чегирма нархда техника харид қилиш имконига эга бўлади.

Семинарда Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан «Экологик тоза корхона» республика кўрик-танлови ўтказилиши эълон қилинди.

Муқаддас ЗОКИРЖОНОВА

## Тарихга саёҳат

## Ўқувчиларда бир олам таассурот қолдирди

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 258-мактабнинг бошланғич синф ўқувчиси Машкура Ризаева болаларга навбатдаги саёҳат дарси Темурийлар тарихи давлат музейида бўлишини айтди.

Бошланғич синфдаёқ Амир Темурнинг «Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақлидрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир», «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр — мингги» каби ҳикматларини ўқи-ўрганиб, унга амал қилиб, аёло баҳорларга ўқитган ўқувчилар бу хабарни эшитиб қувондилар.

Нихоят ўқувчилар музей томон отландилар. Йўл-йўлакай бир-бирлари билан Сохибқирон бобомиз ўғитлари юзасидан суҳбатлашиб бордилар. Музей остонасига яқинлашган

болаларнинг хаяжонланаётгани нигоҳларидан билиниб турарди. Муҳташам иншоот остонасига келган ўқувчилар ундаги тарихийлик ва замонавийлик уйғунлигидан ҳайратландилар. Зиё маскани ичкарасида эса Амир Темур ва темурийлар даврига оид буюмлар:

атикалар, қадимий иншоотлар макетларини томоша қилиб, бир олам таассурот олдилар.



Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда Амир Темур таваллуд топан кун муносабати билан ўтказилган тадбирда ўқувчилар сохибқирон ҳаёти ва фаолиятига оид саҳна кўриши ва куй-қўшиқ, рақслардан иборат концерт дастурини намойиш этдилар.

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

2017-yil 12-aprel, № 29 (8990)

# Мақтабимизга қачон компьютер келади?

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратишмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни жонлантириб юборди. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури асосида жойларда Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилгани фуқароларнинг ўзини қийнаётган муаммоларга ечим излаб давлат идораларига мурожаат қилиш имкониятини кенгайтириб, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Тахририятимизга ҳам халқ таълими тизими ходимлари, ўқитувчи-педагоглардан кўлаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Қуйида ушбу саволларга Халқ таълими вазирлиги мутахассислари томонидан берилган жавобларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

## 2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

**Савол:**

1. Қишлоқ жойларда синф ўқувчилари сони неча нафар бўлганда рус тили дарслари 2 гуруҳга бўлиниб ўқитилади?

2. Рус тили ўқитувчилари учун тўланадиган 15 фоизлик қўшимча ҳақ ҳозирги вақтда ҳам амалдами? Агар тўланмаётган бўлса, қандай асосга кўра бекор қилинган?

**Т.ХАМРОЕВ,**  
Булоқбоши туманидаги 21-мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси

**Жавоб:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли қарорига мувофиқ малакали ўқитувчилар етарли бўлган ҳолда ўқувчилар сони 25 нафар ва ундан зиёд бўлган умумий ўрта таълим муассасаларининг II–IX синфларида рус тили машғулотларини икки гуруҳга бўлиб ўтишга рухсат этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорининг 36-илловасига асосан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ жойларда ва шаҳар типидagi посёлкаларда жойлашган мактабларнинг таълим рус тилида олиб борилмайдиган синфларида дарс ўтган рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиларига ҳамда жойлашувидан қатъи назар таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синфларда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларига тўлаб келинган 15 фоизлик устама бекор қилинган.

\*\*\*

**Савол:**

1. Мен 1984 йили Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли педагогика билим юртини бошланғич таълим ўқитувчиси, бошланғич синфда рус тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича битирдим. Шундан буюн она тили, ўқиш, математика, меҳнат, табиат, физика, мусиқа, рус тили, тасвирий санъат, одобнома, жисмоний тарбия фанларидан машғулот ўтиб келдим. Эндиликда фақат она тили, ўқиш, математика, меҳнат таълими фанларидан ҳафтасига 13 соат дарс ўтишимга рухсат берилди. Шу тўғрими?

2. Олий маълумотли бошланғич синф ўқитувчилари ҳафтасига 18–20 соатдан 25–27 соатгача дарс бериши мумкинми?

3. Шу пайтгача 1-тоифам бор эди. 2012 йилдан бошлаб тоифамни олиб ташлашди, ҳақ тўлашмайди. 2014 йилдан бошлаб устама ҳақлари ҳам берилмапти. Шу тўғрими?

4. Мақтабимиз 2009 йили март-август ойларида таъмирланган эди. Аммо ҳалигача компьютер жиҳозлари келтирилмади. Мақтабимиз зарур АКТ анжомлари билан қачон жиҳозланади?

**Жарықасин ЕРЕКЕЕВ,**  
Қонлиқўл туманидаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Жавоб:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сонли қарори билан тасдиқланган "Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификатори"да бошланғич синф ўқитувчисига камида ўрта махсус педагогик маълумот – малака талаби белгиланган.

Қайси ўқитувчига, қайси синфларда, неча соат дарс ажратилишини мактабда шу фанлар бўйича фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг маълумоти, стаж, иш тажрибасини ўрганган ҳолда тегишли фан методик бирлашмаси ва педагогика кенгаши тавсия ва ҳулосалари асосида мактаб маъмурияти ҳал қилиши лозим.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 275-сонли қарори билан тасдиқланган Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом(3-илова)нинг 15-бандига асосан — ўқитувчиларнинг йиллик иш режиси чораклар ва ойлар бўйича тақсимланган бир йилдаги 1548 соат миқдоридagi иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

Ушбу низомнинг 18-бандига асосан, алоҳида ҳолларда халқ таълими муассасаларида ходимнинг розилиги билан касблар (лавозимлар)ни бирга қўшиб олиб боришга, шунингдек, ўзининг асосий иши билан ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажаришга йўл қўйилади. Бунда лавозимларни бирга қўшиб олиб бориш бўйича иш вақтининг жами давом этиши низомнинг 15-бандига назарда тутилган жами иш вақтининг 50 фоизидан, яъни йил мобайнида 774 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 апрелдаги "Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 107-сонли қарори билан тасдиқланган "Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом"нинг 5-бандига асосан аттестация мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог кадрлари учун ҳар беш йилда, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог кадрлари учун ҳар уч йилда бир марта ўтказилади.

Мазкур низомнинг 54-бандига асосан сертификатнинг амал қилиш мuddати тугаган педагог кадрларга мутахассис ўқитувчи лавозими бўйича ҳақ тўланади. Устама ҳақларининг тўланиши ўқитувчининг тоифасига боғлиқ эмас.

4. Қонлиқўл туманидаги 6-мактабнинг ўқув-компьютер синфи жорий йил давомида Жанубий Корейнинг Эксимбанки кредит маблағлари ҳисобидан компьютер техникалари билан жиҳозланганини маълум қиламиз.

\*\*\*

**Савол:**

1.2016 йил март ойда давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтиб, 2-тоифадан 1-тоифага кўтарилдим. Аммо 1-тоифага ўтганим ҳақидаги сертификатни 2016 йил декабрь ойига келиб беришди. Шу боис 2017 йил

январь ойидан менга 1-тоифа бўйича иш ҳақи тўланмоқда. Бироқ 2016 йилнинг сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь ойларидаги 1-ва 2-тоифалар орасидаги фарқ суммаси тўланмади. Шу тўғрими?

**Карим ИСМОИЛОВ,**  
Сариосиё туманидаги 32-мактаб ўқитувчиси

**Жавоб:**

Малака тоифаси аттестация комиссияси қарор қабул қилган кундан ҳисобланади. Педагог кадрларга аттестация ҳулосалари натижаларига кўра ўрнатилган тартибда малака тоифасини бериш тўғрисида белгиланган шаклдаги сертификат топширилади. Сизга сертификатнинг ўз мuddатида топширилишига халқ таълими бошқаруви органи, яъни, Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси масъул.

\*\*\*

**Савол:**

1. Косон тумани ХТМФМТТЭБ-га қарашли умумтаълим муассасаларида 200 нафардан зиёд қайта тайёрловдан ўтган ўқитувчилар дарс бериб келмоқда. Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 3 апрелдаги 90-сонли буйруғи ва унга асосланган низомнинг 4-бандида "Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш натижасида олинган диплом иккинчи олий маълумот ҳақидаги ҳужжат мақомига эга эмас, у фақат муайян фанлар ва курслар бўйича ўқув-машғулотлари олиб бориш ҳуқуқини беради" дейилган. Шундай қайта тайёрловдан ўтган ўқитувчи мактабда неча соатгача дарс ўтиши мумкин?

2. Қайта тайёрловдан ўтиб фаолият юритаётган ўқитувчи малака тоифаси олиш учун аттестацияга кирса ёки устама олиш учун мактаб раҳбариятига мурожаат этса бўладими?

3. Қарши давлат университетининг педагогика-психология йўналишини тамомлаб, бошланғич синф ўқитувчиси сифатида қайта тайёрловдан ўтгач, олий маълумотли бошланғич синф ўқитувчиси каби ўқувчиларга дарс берса бўладими?

**М.ХОЛИЁРОВА**

Косон тумани Оброн қишлоғи

**Жавоб:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги "Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 234-сонли қарорига мувофиқ қайта тайёрлаш натижасида берилган ҳужжат (диплом) фақат муайян фан бўйича ўқув машғулотларини олиб бориш ҳуқуқини беради ҳамда унга ажратилган дарс соатлари амалдаги дарс соатлари тақсимотлари тартиби асосида берилди.

2. Умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган олий маълумотли, лекин тегишли педагогик ёки касбий маълумотга эга бўлмаган ходимларга малака тоифаларини белгилаш (ўзгартириш)да уларнинг қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг мавжудлиги инobatта олинади, ўқитувчиларга ус-тамалар белгилашда ҳам мазкур тартиб бўйича иш юритилади.

3. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлашнинг мақсади — меҳнат бозори, шахс, давлат ва жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда халқ таълими муассасаларида (мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим ва бошқа муассасаларда) фаолият олиб бораётган олий маълумотли, лекин тегишли педагогик ёки касбий маълумотга эга бўлмаган ходимларнинг қўшимча ихтисослик бўйича касбий билим ва кўникмаларини мавжуд давлат таълим стандартлари ёки талаблари асосида шакллантиришдан иборат бўлиб, қайта тайёрлаш курсларидан ўтган кадр дипломда кўрсатилган муайян фан бўйича ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

Саҳифани "Ma'rifat" муҳбири Илҳом Жўраев тайёрлади.

# МАКТАБ КУТУБХОНАЛАРИ БИРИ

Китоб — инсонни эзгуликка чорловчи маъқ. Таълим-тарбияда, маънавий дунёқарашни кенгайтиришда адабиётнинг ўрни беқиёс. Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ёш авлод камолотида муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Фармон ижроси юзасидан турли лойиҳа ва тадбирлар ташкил этиляпти. Таълим муассасалари бу жараёнда доимо фаолдир.

Қарши шаҳридаги 1-ихти-сослаштирилган давлат умум-таълим мактабининг ҳар бир синфида “Синф кутубхонаси” ташкил қилинган. Уқилган китобнинг жавонга қўйилиши кичик кутубхона фондини бой-таяпти. Хилма-хил адабиётлар-нинг қўлма-қўл бўлишини кўрсатди эди.

— Муассасамизда таълим олаётган 2700 нафар ўқувчи-нинг қарийб барчаси китобсе-вар, кутубхонамизга аъзо, — дейди кутубхона мудираси Ди-лафрўз Махматқулова. — “Синф кутубхонаси”нинг жорий этилиши — янги тажриба. “Энг намунали синф кутубхонаси” кўрик-танловини ўтказиш та-шаббуси эса мутлолаа мадани-ятини оширишнинг мантикий давоми бўлди. Бу саъй-хара-катларимиздан катта натижа кутаяпмиз.

Дехқонбод тумани Эски қошина кишлоғидаги 35-умум-таълим мактаби кутубхонаси ҳам намунали зиё масканла-ридан бири. Таълим даргоҳи-

нинг туманда “Энг яхши китоб-хон мактаб” дея эътироф эти-лишида кутубхонанинг ҳисса-си катта. Момоҳол Эсонова му-дирлик қилаётган кутубхона хизматидан 500га яқин китоб-хон баҳраманд. Улар “Мактаб-кутубхона-оила” ҳамкорлигида мунтазам равишда ўтказилаёт-ган “Бир фарзанда уч китоб” акцияси иштирокчисига айлан-моқдалар. Кутубхона қошида бошланғич синф ўқувчилари учун ташкил этилган “Китоб меъмори” тўғрагида яроқсиз ҳолга келиб қолган китоблар-нинг таъмирланаётгани яна бир бор савоб ишдир.

— Фарзандларимизни бола-лигидан китобсеварликка ўрга-тиш ўз қўлимизда, — дейди оналардан бири Нодира Узо-қова. — Бола китоб билан дўст тутинса, тўғри йўлни танлай-ди, “оммавий маданият” ёхуд ёт гоғлар таъсирига тушиб қолмайди. Оиламизда каттаю кичик ўқиб-ўрганишга иштиёқ-манд. Бошланғич синфда ўқий-диган қизкам “Китоб меъмо-ри” тўғрагида аъзо, йиртил-ган китоб ёки дафтари кўрса, бутлашга тушади...

Афсуски, маънавий-маъри-фий йўналишдаги ислохотлар-га масъулиятсиз ёндашаётган, ёшлар келажагига бепарқ, ўқувчилар таълим-тарбиясига лоқайд таълим муассасалари, кутубхоналар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, Чироқчи туманида-ги айрим мактабларга борга-нимизда, кўнгилни хира қила-диган манзаралар шоҳиди бўлди. Тумандаги 115-умум-таълим мактабининг ҳайхотдек ҳовлисини кузатиб, “Бу ерга ҳали кўклам нафаси етиб кел-мабди-да” деган хаёлга бор-дик. Муассаса ҳовлиси обод-нонлаштирилмаган. Кўйи-қўзи-лар кир-адирда юргандек яй-раб ўтлаб юрибди. Кутубхона ё-пиқ. Мактаб директорининг

ўқув ишлари бўйича ўринбо-сари Абдухалил Абдурахмонов ҳарчанд уринмасин, таълим муассасасида китобхонлик бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида етарлича маъл-умот беролмади. Педагоглар-дан тайинли гап ололмағач ўқувчиларга юзландик.

— Китоб байрами ва мутло-лаа тарғиботида оид тадбир-ларни телевизиор орқали куза-тамиз, — дейди юқори синф ўқувчиларидан бири. — Бизнинг ҳам турли акция ва фес-тивалларда қатнашиб, мутлолаа орқали билимимизни ошири-миз келади. Лекин кутубхона-мизда бунга шароит йўқ. Ку-тубхонанинг қачон очилиб, қачон ёпилганини билмаймиз.

Билмига ташна ўғил-қизлар сўзини тинглаб, юзига боқиб, ўйга толасан киши. 405 на-фар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган мактаб мутасаддилар-нинг ўз вазифасига масъу-лиятсиз ёндашаётгани кўнгил-ни хира қилади. Ахир, улар қўлида юртимиз келажаги бўлган ёшлар таълим-тарбия олапти-ку! Ёки улар учун ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини ошириш иккин-чи даражали ишми?!

Тумандаги 118-мактаб кўш қаватли янги иморатда жой-лашган экан. Қишлоқдаги энг маҳабатли ва кўркем бино шу! Аммо муассасида китобхонлик-ни тарғиб қилиш ва оммалаш-тириш борасида ҳеч бир иш амалга оширилмаётганини кўриб, кўнгилнинг хижил бўла-ди. Кутубхона эшигига осил-ган кулф бу ерда мутасадди-ларнинг китобхонликка муно-сабати қандай эканини кўрса-тиб турибди.

Тумандаги 140-умумтаълим мактаби учун 2009 йилда 315 ўринли янги бино, 12х24 ўлча-мақд спорт зали қурилиб, за-монавий ўқув-лаборатория,

компьютер ва спорт жиҳозла-ри билан тўлиқ таъминланган. Тамоман янги шароитда мак-таб ўз муваффақиятларини ке-нгайтириши мумкин. Бироқ сўнгги йилларда мактаб ўқув-чилари билимлар беллашуви, фан олимпиадаси ва спорт му-собақаларида совринли ўрин ололмади. Бунга балки китоб-хонлик тарғиботи етарли эмас-лиги ҳам сабаб бўлаётгандир. Тўғри-да, ҳаракат қилмай, ўқиб-ўрганмай туриб ижобий нати-жага эришиш мумкинми?


Ўқувчиларни китоб мутола-асига жалб этиш борасида ту-мандаги айрим мактаб ва ку-тубхоналардаги лоқайдлик ёшлар келажагига салбий таъ-сир этишини педагоглар тушу-ниб етмайдимми?!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-нинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ри-вожлантиришнинг асосий яқун-лари ва 2017 йилга мўлжаллан-ган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳка-масининг кенгайтирилган маж-лисидаги маърузасида “...Эс-кича ишлашга энди ҳеч бири-мизнинг ҳаққимиз йўқ... Бугун замон ўзгармоқда, унинг тала-би, олдимизга қўяётган вази-фалари тобора ортиб бормок-да. Мана шундай мураккаб шар-оитда “Сен — менга тегма, мен — сенга тегмайман” деган кайфият билан ишлашнинг ва-кати ўтди”, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, замон ўзгарди. Юртимизда ислохотлар йил сайин такомиллашиб, чуқурла-шиб бормоқда. Шундай экан, жамиятимизнинг энг фаол бўлган — зиёли қатлами қўл қовуштириб, жараёндан четда туриши эмас, ислохотлар ри-вожига муносиб ҳисса қўшимоғи лозимдир.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ, “Ma’rifat” мухбири

Президентимизнинг “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилингани илм-маърифат йўлида энг муҳим қадамлар сирасидан бўлди. Бугун ушбу жабҳа дунёвий миқёсда

музокара майдонига айланиб бораётгани, тортишувларга сабаб бўлаётгани барчамизга аён. Китоб мутолааси инсонга нафақат маърифат улашади, маънавиятини бойитади, балки унинг саломатлиги учун ҳам фойдали. Хўш, мутлолаа инсон саломатлигига қайси жиҳатлари билан таъсир этиш хусусиятига эга?



### Китоб ўқиш хотира пасайтириш олдими олади!

**Гулнора Раҳимбоева, тиббиёт фанлари доктори, профессор, шифокор-невропатолог:**

— Ҳаётда ҳамма инсон қандайдир муаммолар таъбири эса адиб тизими-га, нерв тоаларининг зўриқишига олиб келади.

Мана шундай ҳолатларда кўп китоб ўқиган одам йўлини топиб кетишга ўзида куч топади. Агар бу жараёнда китоб ўқимаган инсон бўлса, муаммо олдида оҳимлик қилиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам мутлолаанинг асабларни тинчлантириш, нерв тола-ларини тиклаш, кундалик чарқоқлар на-тижасида келиб чиқадиған сурункали чарқок синдромини фотараф қилиш, хо-тирани кучайтириб, инг пасайтириш ол-дини олиш, эшитиш қобилиятини куч-айтиришда катта фойдаси бор. Ай-ниқса, ўқилаётган роман, қисса, ҳи-коялар ўқувчи учун таниш ёки қизиқар-ли бўлса. Фикримнинг тасдиғи сифатида сизга бир тадқиқотни айтиб берай.

Ливерпуль университетини олимлари Шекспир асарларини ўқиётган кўнгил-лиларнинг мия фаолиятидаги ўзгариш-ларни кузатишган. Буни қарангки, ше-ррият таъсирида миянинг ҳиссийати жа-вобгар қисми меъёрлашиб, ўз-ўзини назорат қилиш ҳудуди фаоллашган экан. Шу боис мутахассис сифатида шуни айтманки, агарда кучли асабий-лашиб, ўзингизни тинчлантира ол-масангиз, қўлингизга дарҳол ўзингиз қизиққан жанрдаги китобни олинг ва ўқинг, орадан олти дақиқа ўтгач, унинг натижасини сезасиз. Яъни, бу ҳолатда киши бироз тинчланиб, хотиржамлик-ка эришади.

### Мутлолаа тунда яхши ухлагга ёрдам беради!

**Зуфар Адамбоев, тиббиёт фанлари номзоди, шифокор-невропатолог, сомнолог:**

— Бугун замон шиддат билан ри-вожланаётган бир пайтда, эрталабдан кенга қадар бир марта бўлса ҳам аса-бийлашиб олмаган одам бўлмасе ке-рак. Кун давомида хавотир, асабий ҳолатда юрган киши тунда яхши ух-лолмайди. Тунда тиникиб, мароқли ух-лашга ёрдам берадиган энг яхши усул китоб ўқишдир. Аммо бугун аксарият кишилар ухлаш олдиндан телевизор кўради ёки бирон яқинлари билан те-лефонда суҳбатлашади. Бироқ улар-дан тарқалаётган ёрқин нур миғага уй-ғониб кераклиги ҳақида сигнал юбо-ради. Натижада, киши қанча ҳаракат қилмасин, тиникиб ухлалмайди. Китоб ўқиш эса, аксинча, асабларни тинч-лантиради, муайян мuddатдан сўнг мия ухлаш вақти бўлганини тушунади.

Шотландиялик олимларнинг тад-қиқотларига қараганда, китоб ўқиш туш-қунлиқни даволашнинг энг самарали во-ситасидир. Тушқунликка чалинган бе-морлар китоб ўқишни бошлаганидан сўнг уларнинг тушқунликка тушиш ҳолатлари камайган. Чунки ҳар сафар китоб ўқилганида мия фаол ишлайди. Қатор тадқиқотлардан маълум бўлиши-ча, кўп китоб ўқиган инсонлар альцгей-мер касаллигига камроқ чалинар экан.

Шундай экан, қандай китоб ўқишин-гиздан қатъи назар, ўзингиз севган жанрларни танланг. Стресс ҳолати куч-айганда эса албатта, китоб ўқишга ҳаракат қилинг. Китоб билан овора бўлиб, нимага жаҳлингиз чиққанини ҳам унутасиз.

## Мутлолаа — малҳам

“Китобни қўлимга олганимдан мени уйқу бо-сади”, “Бошим оғрий бошлади”, “Шунча ва-ракли асарни ўқишга менда ҳафсала йўқ”, “Китоб ўқиётганимда негадир кўзимда чарчоқ сезаман”, “Элект-рон китобларни ўқиш мен учун қулай”, “Китобни ўтириб ўқишга сира мадорим йўқ”, “Ўқиш мени тез толиқтиради” каби шикоятларни ёмғирдек ёғдирувчилар ҳам топилди орамизда. Айнан уларда мутлолаага иштиёқ уйғотиш муаммо. Хўш, бун-дай ҳолатларга мутахассислар қандай тавсия беради?

### Китобни тўғри ўқинг!

**Дилором Бобонова, тиббиёт фанлари номзоди, доцент, шифокор-офтальмолог:**

— Умуман, китобни яхши ўқиш ва уни тушуниш учун, аввало, кўз со-ғлом бўлиши керак. Китобни кўзга яқин ўқиш ярамайди. Шу боис, ки-тоб ўқиганда кўз ачишиб, оғрийди, ҳатто ёшланиши ҳам мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бугун элект-рон китоблардан фойдаланиш кўпаймоқда. Улар оддий китоблар-дан кўра, кўзни тез чарчатади. Ком-пьютер ёки телефондан таралаётган электрон нурлар эса турли кўз ка-салликларини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун, китоб ўқиёт-ган хонамиз қиссонлар ва керакли ёруғлик билан тўлиб турган бўлиши керак. Китоб тоза ҳавода ўқилса, янада яхши. Китобга тушадиган нур ҳам кўзимизни қийнаб қўйиши керак эмас. Ёруғ тўғри тушиши керак.

Китобни ётиб ўқиганда ўпка билан юракка ҳаво етиб бормайди. Нафас олиш қийинлашади. Бундан ташқари, бундай ҳолатда китоб ва кўз оралиғи 15—20 см бўлади. Натижада одам тез-да толиқиб қолади. Китобни ўтириб ўқиш кўз учун фойдали. Шунингдек, 45 дақиқа ўқиб, 5—10 дақиқа кўз ва мияга дам бериш лозим. Бу ҳолат ин-соннинг ўқиганлари таҳлил қилиб оли-ши ва хотирада сақлашига ҳамда кўзни дам олдиришга ёрдам беради.

— Бугун замон шиддат билан ри-вожланаётган бир пайтда, эрталабдан кенга қадар бир марта бўлса ҳам аса-бийлашиб олмаган одам бўлмасе ке-рак. Кун давомида хавотир, асабий ҳолатда юрган киши тунда яхши ух-лолмайди. Тунда тиникиб, мароқли ух-лашга ёрдам берадиган энг яхши усул китоб ўқишдир. Аммо бугун аксарият кишилар ухлаш олдиндан телевизор кўради ёки бирон яқинлари билан те-лефонда суҳбатлашади. Бироқ улар-дан тарқалаётган ёрқин нур миғага уй-ғониб кераклиги ҳақида сигнал юбо-ради. Натижада, киши қанча ҳаракат қилмасин, тиникиб ухлалмайди. Китоб ўқиш эса, аксинча, асабларни тинч-лантиради, муайян мuddатдан сўнг мия ухлаш вақти бўлганини тушунади.

Шотландиялик олимларнинг тад-қиқотларига қараганда, китоб ўқиш туш-қунлиқни даволашнинг энг самарали во-ситасидир. Тушқунликка чалинган бе-морлар китоб ўқишни бошлаганидан сўнг уларнинг тушқунликка тушиш ҳолатлари камайган. Чунки ҳар сафар китоб ўқилганида мия фаол ишлайди. Қатор тадқиқотлардан маълум бўлиши-ча, кўп китоб ўқиган инсонлар альцгей-мер касаллигига камроқ чалинар экан.

Шундай экан, қандай китоб ўқишин-гиздан қатъи назар, ўзингиз севган жанрларни танланг. Стресс ҳолати куч-айганда эса албатта, китоб ўқишга ҳаракат қилинг. Китоб билан овора бўлиб, нимага жаҳлингиз чиққанини ҳам унутасиз.

### Мутахассислар тавсия этади!

#### Мумтоз адабиёт

Ўзига хос хусусияти: бир ма-ромда ҳикоя қилиш барқарор-лик ҳиссини уйғотади. Ўзгалар-нинг ҳатоси ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Тавсия этилади: стресс, нев-роз, мияга ўрнашиб қолган ҳолатларга қарши универсал во-сита.

#### Детектив ва саргузаштлар

Ўзига хос хусусияти: синч-ковлик, мантик, саботлилик, кузатувчанликни оширади. Чалқаш вазиятлар, муаммо ва гамгин фикрлардан чалғитади.

Тавсия этилади: психоз, мия-га ўрнашиб қолган салбий ҳолат-ларга барҳам беришда яхши.

#### Илмий-фантастик асарлар

Ўзига хос хусусияти: имко-ният чегараларини кенгайтира-ди, вазият ва иш-ҳаракатлар-ни ҳаддан ташқари зўрайтира-ди, беморга ўз фикр ва хоши-ларини кўрқмасдан қабул қилиш имконини беради.

Тавсия этилади: фобия(кўр-қув)ларда фойдали.

#### Шеърят

Ўзига хос хусусияти: аниқ маром организмда кечаётган жараёнларни меъёрлаштира-ди. Шеър одамда ижобий туй-ғуни шакллантиради, унда ўз

кучига бўлган ишонч уйғота-ди.

Тавсия этилади: депрессия-лик ҳиссини уйғотади. Ўзгалар-нинг ҳатоси ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Тавсия этилади: стресс, нев-роз, мияга ўрнашиб қолган ҳолатларга қарши универсал во-сита.

#### Эртаклар ва фольклор

Ўзига хос хусусияти: энгил кўришни мулоқот қилиш қоидаларини ўргатади, зийрак-ликни оширади.

Тавсия этилади: болаларда-ги гиперфаоллик, тарбияси оғир ўсмирлар учун фойдали.

#### Ҳажвий асарлар

Ўзига хос хусусияти: ҳаво-тирни йўқотади, мулоқот қилишнинг зиддиятсиз техни-касини ўргатади.

Тавсия этилади: ўтиш ёшида-ги ўсмирларга фойдали, опера-циядан кейинги даврда кайфият-ни кўтарди.

#### Фалсафий китоблар

Ўзига хос хусусияти: олам-ни яхлитлигича тасаввур қилиш имконини беради.

Тавсия этилади: чуқур стресс, сурункали депрессия-да яхши таъсир кўрсатади.

**Камола АҲМЕДОВА**

## Энг содиқ дўст

Пойтахтимизнинг Олма-зор туманидаги 146-мактаб-да бўлиб ўтган «Китоб — маърифат ва маънавий ёдгуси» номли тадбирда китобнинг, мутлолаанинг инсон ҳаётида тутган ўрни хусусида гап борди.

Тадбир доирасида таниқли бола-лар шоири Турсунбой Адашбоев билан ижодий учрашув, китоблар кўргазмаси ҳамда китоблар тақди-моти ўтказилди.

— Мактабимизда 907 нафар ўқувчи таълим олади. Уларнинг де-ярли барчаси китобхон, — дейди мактаб директори Нигора Мирзае-ва. — Тадбир мутлолаа билан шу-ғулланиши хуш кўрувчи ўқувчила-римиз учун айна муддао бўлди. Ки-тоб ярмаркаларининг ташкил эти-лиши ота-оналарга ва китобхона-ларимизга ўзи излаган асарни топиш имконини яратди. Ўқувчиларимиз-нинг китобларни танлаши, уни ўқишга иштиёқмандлиги педагог сифатида мени қувонтирди. Бола-

**Илм чўққисини забт этмоқни ихтиёр этиб, узоқ ва машаққатли йўлга отланган ҳар бир илму толиб учун энг содиқ дўст — бу шубҳасиз китобдир. Фақат ушбу мақсад сари ишончли йўлни кўрсатишга қодир.**



Зилола ФАЙУЛЛАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

лар шоири Турсунбой Адашбоев билан ижодий мулоқот адабиётга ҳавасманд ўқувчиларимизнинг хотирасида умрбод муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

# Таълимга янгича ёндашув — замон талаби

*Кундалик ҳаётимизга изчил кириб келаятган замонавий техника воситалари аҳолини, хусусан, ёшларни тобора ўзига жалб этапти. Бу фарзандларимизни пухта билим олиши ва илмий изланишдан бироз чалғитиб қўяётгани ҳам бор гап. Демак, ёшларимизнинг ўқиш-изланиши, чуқур билим олиб, фанларни пухта ўзлаштириши учун барча имкониятларни ишга солиш лозим. Ўқитувчи-педагогларнинг касбий маҳоратини юксалтириш, ҳар бир мавзунини қизиқарли метод ва усуллар билан теран очиб бериш, таълим-тарбияга янгича ёндашув, педагогик технологияларни такомиллаштириш, хориж тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда янгиликларни ишлаб чиқиш масаласи бу жараёнда муҳим ҳисобланади.*

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти айни шу йўналишда иш олиб борадиган муассаса ҳисобланади. Бу ерда халққаро тажрибалар уйғунлашган энг илғор метод ва усуллар тадқиқ қилиниб, таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишга кўмаклашилади. Институт олимлари томонидан ҳар йили ўнлаб лойиҳалар устида иш олиб борилади. Фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқот ишлари ҳамкорлик асосида жойлардаги таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтказилгач, самарадорлигига қараб амалиётга жорий этилади.

— 2016 йилда 19 та лойиҳа бўйича тадқиқот олиб борилиб, йўналишига кўра, республикамиздаги умумий ўрта ва мактабгача таълим муассасалари, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, касб-хунара коллежларида тажриба-синовдан ўтказилди, — дейди институт илмий котиби педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим Муяссар Девонова. — Лойиҳаларда мактаб ҳаёти, таълим жараёни билан боғлиқ барча жиҳатлар қамраб олинди. Мактабда маданий-ижодий муҳит яратиш, интизомсиз болаларга нисбатан конструктив таъбир этишининг методологик асослари, ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатни шакллантириш, мактабларда модулли ўқитиш жараёнини ташкил этиш, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, чет тилларни ўқитишни жа-

даллаштиришга қаратилган тадқиқотлар, айниқса, аҳамиятга молик.

Институтда педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим Аскаралӣ Сулаймонов раҳбарлигида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун тайёрланган "Тасвирий фаоллаштирилган машғулотларнинг янги мазмуни ва методикасини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асослари ("Болажон" таянч дастури асосида)" лойиҳаси болажонларнинг расм ишлаш кўникмасини шакллантириш, уларда борлиқни эстетик идрок этиш, тасвирий фаолият воситасида майда моторикасини ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтириш, мактаб таълимига самарали тайёрлашда асқотади. Тадқиқот ишида тасвирий фаолият машғулотларининг апликация, ҳайкалтарошлик, қуриш, ясаш ҳамда расм ишлаш соҳалари бўйича илмий-методик қўлланмалар яратилиб, уларнинг таркибиде намунавий машғулот ишланмалари, болажонларнинг ишларини методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш, натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича тавсиялар берилган. Лойиҳа уч босқичда мактабгача таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтказилди.

"Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технология таъминлаш механизми мавзусидаги лойиҳа ҳам институт олимларининг таълим сифатини оширишга қаратилган изланишларидан бири. Ўқувчиларнинг мантиқий

фикрлаш кўникмасини ривожлантиришга доир мазкур лойиҳа зamonaviyligi, методик тавсияларга бойлиги ҳамда амалдаги метод ва усуллар орқали қўллаш имконияти кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Лойиҳа тадқиқоти давомида олимлар Россия, Англия, Германия, Швеция, Нидерландия, Финляндия каби ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ҳам ўрганиб чиқишди. Компетентияларни шакллантиришга асосланган модулли технологияларнинг таҳлилини ўз ичига олган халққаро миқёсдаги тадқиқотлар натижасига кўра, мазкур дастур ўқув муассасаси ҳамда меҳнат бозори учун юқори аҳамиятга эга экани аниқланди. Ўқитувчи ва ўқувчининг шахсий фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини ошириш, таянч компетентияларни шакллантириш, таълимни меҳнат фаолияти муҳитига яқинлаштириш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатини аниқлашнинг стандарт, объектив, мустақил шарт-шароитларини яратиш каби жиҳатлар қамраб олингани лойиҳанинг муҳим жиҳатларидир.

— Модулли ўқитиш соҳасидаги халққаро тажрибаларни ўрганишдан асосий мақсад — унинг афзал жиҳатларини ўзлаштириб, мамлакатимиз таълим тизимига жорий қилиш, модулли ўқитиш технологияларини яратиш ва татбиқ этишда мазкур тажрибалардан самарали фойдаланишдан иборат, — дейди институт лаборатория мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Роҳат Сафарова. — Модулли ўқитиш соҳасидаги халққаро тажрибалар давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, компетентияларни шакллантиришга асосланган модулли ўқув дастурларини яратиш, самарали таълим технологияларини танлашда муҳим омили бўлади. Мазкур тажрибалар ўқувчиларни касбга йўналтириш ва касбий таълим сифатини оширишда катта аҳамиятга эга.

## Jarayon

Лойиҳани қўллашда ўқитувчилар "Эйлер чизмалари", "Ролли ўйинлар", "Мунозара ринги", "Ечимлар дарахти", "Музёра", «Икки қисмли кундалик», «Синквейн», «Кубиклар», «Тўхтамли ўқиш», «Кейс», «Пинборд» сингари инновацион усуллардан фойдаланиши мумкин. Тадқиқот иши республикамиздаги қатор умумтаълим мактаблари, Андижон, Хоразм вилоятлари халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида тажриба-синовдан ўтказилди. Бугун мазкур ўқитиш усули босқичма-босқич таълим жараёнига татбиқ этилмоқда.

Мактаб жамоасида аҳлилик, жипсликни қарор топтириш, ижодий муҳитни шакллантириш масаласи ҳам таълим сифатини ошириш омилидан саналади. Чунки жамоада соғлом ва ижодий изланувчанлик муҳити яратилса, ўқитувчиларнинг кайфияти кўтаринки, ишга муносабати яхши бўлади, пировардида, ўқувчиларнинг билим олишга иштиёқи ҳам ошади. Педагогика фанлари доктори Р.Жўраев раҳбарлигидаги "Мактаб педагогик жамоасида ўзини ўзи ривожлантириш учун маданий-ижодий муҳит яратиш ва лойиҳа методидан фойдаланиш" мавзусидаги яна бир лойиҳа айни шу жиҳатга қаратилган. Лойиҳа ўтган йили пойтахтимиздаги 89-, 290-, 291-мактабларда синовдан ўтказилди. Эришилган натижалар хусусида 290-мактаб ўқитувчиси Гулшод Ҳурунова шундай дейди:

— Лойиҳа мактабда маданий-ижодий муҳит яратиш орқали педагогик жамоани ўзини ўзи ривожлантиришга қаратилган. Институт тадқиқотчилари мактабимиздаги ҳолатни ўрганиб, жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириши ҳамда маданий-ижодий муҳитнинг ўзаро алоқадорлигини аниқладилар. Тажриба-синов

жараёнида биз ҳам бевосита иштирок этдик. Педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантиришига доир методлар ёрдамида жамоада интеллектуал фаоллик юзага келади, гуруҳ ва жамоада ишлаш малакаси шаклланади. Ўқитувчиларимизнинг юриш-туриши, жамоада ўзига хос имиж шаклланишидан тадқиқот яхши натижа берганини кўришимиз мумкин. Бу жиҳат таълим сифатини ошириш борасидаги ишларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Мактабимизда 9 та методбирлашма фаолият юритмоқда. Ҳафтанинг ҳар душанба кунини бирлашма аъзолари учун "методик кун" ҳисобланади. Шу кунни жамоада фанлар кесимида семинарлар ташкил этилиб, очик дарслар ўтилади, таҳлил қилинади. Илғор педагогик технологияларни қўллаш, АКТдан унумли фойдаланишга оид тажрибалар ўртоқлашилади.

Мазкур лойиҳани республикамиздаги умумтаълим мактаблари фаолиятига татбиқ этиш бўйича "Педагогик жамоада маданий-ижодий муҳит яратиш", "Педагогик жамоада маданий-ижодий муҳитни шакллантиришда лойиҳа методини қўллаш" номли қўлланмалар чоп этилган.

Институт олимларининг умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитишни такомиллаштириш, бошланғич синфларда чет тилларни ўқитишни жадаллаштириш методикаларини яратиш ва жорий этиш ҳамда коммуникатив-кумулятив метод асосида мактаб ўқувчиларига инглиз тилини самарали ўқитиш технологиялари бағишланган илмий-тадқиқот ишлари янгича ёндашувга асослангани билан муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадқиқот ишлари педидагогларимизни давр талабларига қаратилган. Институт тадқиқотчилари мактабимиздаги ҳолатни ўрганиб, жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириши ҳамда маданий-ижодий муҳитнинг ўзаро алоқадорлигини аниқладилар. Тажриба-синов

**Илҳом ЖўРАЕВ,**  
**"Ma'rifat" мухбири**

*Кимё — биз билган ва билмаган моддаларнинг хусусиятлари, табиий қонунларини ўргатувчи қизиқарли фанлардан бири. Бу ўқув фани юзасидан ўзлаштирилган илмий-назарий билимларни амалий машғулотларда қўлай олиш эса ўқувчиларга бир олам завқ бағишлайди.*

Пойтахтимиздаги 104-мактабда ташкил этилаётган ўқувлар педагогларнинг фан назарияси ва методикаси оид билимларини ошириш, амалиётда қўллаш кўникмаларини ривожлантириш, ўқувчиларни мус-

тақил фикрлашга ўргатишга оид метод ва усуллар билан таништириш, уларнинг мустақил таълим олишига қаратилган.

Яқинда ўтказилган "Умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитиш мазмунидаги

янгиликлар, кимё фанига оид умумий компетенциялар" мавзусидаги семинар-тренингда кимё фани ўқитувчилари иштирок этди. "Кимё фани ўқув дастуридаги мавзуларни ўқитишда компетентияларни шакллантириш" мавзусидаги тақдиротдан сўнг семинар иштирокчилари амалий

машғулотларда маҳоратини оширди.

— Туман миқёсида кимё фани бўйича таянч ва маҳорат мактаби этиб белгиланган ушбу таълим муассасасида виртуал лаборатория машғулотларини ташкил этиш имконияти йўлга қўйилган, — дейди Сергели тумани

ХТМФМТТЭБ табиий фанлар методисти Нодира Садритдинова. — Унда замонавий лаборатория жиҳозлари ва реактивларини ўринли, самарали қўллаш, қўлай шароитда сақлаш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишга доир машғулотлар кимё фанидан ўқувчи-

лар билими ва тасавури, педагоглар тажрибаси бойиши, иштиёқи янада ортишга хизмат қилапти. Ҳар ойда икки мартаба ўтказилаётган интерфаол ўқувларда мураббийлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олмақда.

**Шоира ҒАНИЕВА,**  
**шу мактаб ўқитувчиси**

## Виртуал лаборатория

ўқувчиларга илм-фан сирларини очаяпти

2017-yil 12-aprel, № 29 (8990)

## Қорақалпоқ қўғирчоғи

**Юртимизда миллий қўғирчоқ ва ўйинчоқ ишлаб чиқарётган ишбилармонлар сони ортиб бормоқда. Узоқ йиллар мобайнида Нукус шаҳридаги 33-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқувчиларга тасвирий санъат ва чизмачилик сирларини ўргатган Маҳада Алламбергенова нафақада бўлишига қарамай, ўйинчоқ яратиш билан шуғулланаётган тadbirkor аёллардан биридир. Расм чизиш, кашта, кийим-кечак тикиш, тўқиш, қўғирчоқ ясаш малакасини пухта эгаллаган Маҳада опа ўз ижоди ҳақида тўлиб-тошиб сўзлайди:**

— Китоб ўқиш — жону дилим. Мутолаа қилиб образлар оламига шўнгасан, янги гоёлар туғилади. Қўғирчоқларимнинг ўзига мос образини айнан китобдан топганман. Қорақалпоқ халқ эртак қаҳрамонлари, турли ҳайвон ва қушларнинг ўйинчоқларини ясадим. Мақсадим — бола фақат эртак эшитибгина қолмай, унинг қаҳрамонини кўлига олсин, ҳаракатлантириб, эртак ҳақидаги тасавури кенгайсин. Бу унинг ёд олиш ва фикрлаш қобилиятини ўстиради. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари кўпроқ миллий қўғирчоқлар учун буюртма бераётгани мени излашишга ундайди.

Маҳада опанинг шинамгина хонасидаги жавонга бир неча диплом, қўғирчоқ ва суратлар чиройли қилиб териб қўйилган. Қовоққа

ишланган ажойиб қиз портрети эътиборни тортади. Миллий кийимда, ажойиб тақинчоқлар таққан бу гўзал худди қовоқ ичидан чиқиб келадигандек таассурот уғотади. Авваллари фақат матодан қўғирчоқ ясаган хунарманд эндиликда қоғоз ва ёғочдан ҳар хил ўйинчоқлар яратмоқда. Бунинг афзал томони — маҳсулот учун кўп хомашё талаб этилмайди, чиқинди қоғоз кўпроқ зарур. Аммо қоғоз қўғирчоқ эҳтиёткор бўлишни талаб этади. Чиройли қўғирчоқни кўлга олганда, беҳтиёр бир ривоят эсга тушади...

Қадимда болаларни жуда яхши кўрадиган донишманд уста бўлган экан. У кичкинтойларга доимо совға улашаркан. Лекин у берган совға ниҳоятда нозик бўлиб, тез синиб қоларкан. Болалар ўйинчоқни қанчалик

эҳтиёт қилишмасин, барибир унга шикаст етаркан. Донишманд совға улашишдан чарчамас, аммо улар олдингисидан ҳам мўрт бўларкан. Охири, ота-оналар устанинг олдига бориб, бунинг сабабини сўрашибди. У қулиб, шундай жавоб берибди:

— Ўйинчоқ боланинг биринчи дўсти ва тарбия қуроли. У билан кичкинтой мулоқот қилишни ўрганади.

### Hunar — zar

Йиллар ўтиб, бола улғаяди. Шунда билиб-билмай у ақинларнинг кўнглига озор бериши мумкин. Инсон юраги мен совға қилган ўйинчоқдан ҳам нозикроқ. Балки, мен ясаган мўрт ўйинчоқ билан фарзандингиз инсон кўнглини эҳтиёт қилишга ўрганади...

Ҳақиқатан ҳам, боланинг ўйинчоқга муносабати ижобий бўлиши муҳим. Қўғирчоғини овқатлантириб, сочини тараб, алла айтиб, ухлатиб меҳрибонлик кўрсатаётган қизалоқ билан уни уриб, жазолаётган кичкинтой ўртасида катта фарқ бор. Маҳада опа яратётган айрим ўйинчоқлар кичкинтойдан ўта эҳтиёткор

бўлишни талаб этиши бежиз эмас.

— Ҳар қандай иш маълум мақсадни кўзлаб амалга оширилади, — дейди қаҳрамонимиз. — Айниқса, кичкинтой учун нимадир яратишдан аввал етти эмас, балки етмиш марта ўлчаб, бир кесиш керак. Ўйинчоқ болага маънавий озуқа беради. Албатта, у дид билан ишланиб, болани санъатга муҳаббат руҳида тарбиялаши керак.

Ўйинчоқ — ижод маҳсули. Баъзи ижодкорлар ўзига манзур бўлган қайсидир ижод намунасини ҳеч кимга бермай, бисотида сакларкан. Ижодкорнинг ўзига ёққан шеъри, қўшиғи, яратган буюми бўлиши табиий. Аммо Маҳада опанинг фикри ўзгачароқ:

— Ҳар қандай нарса эскиради. Айрим хунармандлар, бу менинг энг яхши кўрган қўл меҳнатим, деб ўзгалардан қизганиши мумкин. Мен эса ҳали бундан ҳам зўрини яратаман, деб қўғирчоқларимни ўз харидорига тортиқ қилиб юбораман. Ўйинчоқни харид қилмоқчи бўлган мухлис уни мендек яхши кўриши, кадрлаши, шубҳасиз. Акс ҳолда сотиб олмади.

Маҳада опанинг меҳнатлари республика миқёсида ўтказилган кўплаб танловларда юксак баҳолашиб, совринли ўринларга муносиб кўрилди. У 2010 йили "Миллий қўғирчоқлар" фестивалида фаол қатнашди. 2012 йили Ашхобод шаҳрида ўтказилган "Аваза" халқаро кўргазмасида миллий қўғирчоқлар билан иштирок этиб, махсус диплом билан тақдирланди. 2015 йили "Менинг дўппим" кўргазмаси, "Ишбилармон аёл" беллашувлари иштирокчиси бўлган Маҳада опа "Ташаббус" кўриқ-танловининг Нукус шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси босқичлари ғолиби бўлди.

Ўз хунарини бошқаларга ўргатиш — савоб. "Хунарманд" уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими билан биргаликда ёшларга миллий қўғирчоқ ясашни ўргатиш мақсадида "Маҳорат дарслари" ташкил этилиб, бу ерда Маҳада опа 100 га яқин чевар қизнинг бошини бириктирди, уларни қўғирчоқ ясашнинг нозик жиҳатларидан бохабар қилди. Шогирдлари Нодира Мамбетова, Улуғбек Матжонов, Муюссар Турсунова, Генжегул Айтмуратовалар кўплаб ютуқларга эришаётганидан устознинг боши омонда.

**Несибели  
МАМБЕТИРЗАЕВА,  
"Ma'rifat" мухбири**

## Аудио эртак

унинг фарзанд тарбиясидаги афзал ва ноқулай жиҳатлари нимада?

Меҳмондамиз. Мезбоннинг 4-5 ёшдаги икки ўгли хархаша қилавериш, дам онаси, дам отасининг асабига тегарди. Шунда болаларга дадаси:

— Тез хоналарингга кириб, жимгина эртак эшитиб ўтиринлар! — деди.


Мезбон аёл болаларини бошқа хонага етаклаб кетди. Аммо икки дақиқа ўтар-ўтмас қайтиб чиққач, "Эртак айтиб бермади-ку", дея ҳайрон бўлдим. Буни сезган аёл изоҳ берди:

— Дадаси яқинда битта диск олиб келди. Ичи тўла эртак. Компьютерга қўйсангиз бўлди, тўхтамасдан ўзи эртак айтаверди.

... Болалик дамларимни эсладим. Ота-онам олиб берган эртак китоблар биз учун бениҳоя катта бойлик бўлиб туюлар, уларни кўз қорачигидек асраб-авайлар эдик. Ўқилган ҳар бир китоб ҳаёт йўлимизни ёритгучи машъал, энг юксак инсоний фазилатларга ўндовчи маёқ бўлганини улғайган сари англаб борардим.

У даврда планшет, ноутбуклар бўлмаган, интернет нимагини билмасдик. Телевизордаги "Оқшом эртаклари"ни кўриш ва радиодан эртак тинглаш билан овунардим. Бобобувиимиз ёки ота-онамизни эртак айтишга "мажбур"лардик. Айниқса, бобо эртак қаҳрамонларига тақлидан бўридай увиллаб, хўроз бўлиб қичқириб, мушукдек миёвлаб образга киришидан завқланардик.

Бугун болаларнинг овуноғи нима? Эртак тинглашга, китоб ўқишга қизиқчи борми? Бунга салбий жавоб беришига шошилмаганимиз маъқул. Тараққиёт билан бирга одимлаш — давр талаби. Ота-онасидан фарқли



ўлароқ, болалар техника воситаларидан фойдаланишни "ўрнига" қўйишмоқда. Шу боис, эндиликда хош шеър, ҳикоя, хош эртак китоб бўлсин, уларни XXI аср болаларига тақдим этишда янгича ёндашув, фикр ва қараш зарур.

Айни дамда китоб раста ва дўконларида фарзандларимиз учун хилма-хил — расми, тасвири, аудиокиноблар мавжуд. Замон билан ҳамнафас яшаётган юртдошларимиз бугун фарзандларига аудио эртакларни ҳам олиб беришмоқда. Аудио эртакнинг анъанавий эртакдан фарқи ва афзал жиҳатлари нимада? Бу ҳақда психолог Мавлуда Файзиева шундай дейди:

— Аудио эртак — бу овозли шаклда бўлиб, болага эшиттириш учун мўлжалланган. Мактабгача ёшдаги бола учун атроф-олам сир-синаотга тўла туюлади, шу сабабли улар ҳамма нарсага қизиқади. Аудио эртак боланинг тасаввур доирасини кенгайтириб, уни ривожлантиради. Расмга қарамасдан, эшитиш орқали у хаёлида эртак қаҳрамонлари қиёфаси ва характерини чизади. Хо-

тирани мустакамлайдиган овозли эртакнинг

сюжети ва деталлари бола хотирасида сақланиб қолади. Бола бобою буви, ота ёки онасидан эшитган эртакни аудио шаклда тингласа ундаги турли деталларни таққослашга уринади. Аудио эртакда сўзлар интонация ва образли тарзда айтилади. Бир сўзнинг турли синонимларини эшитган бола нутқи чиройли ва мазмунли сўзлар билан бойийди. Сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўрганади. Аудио эртак вақти тиғиз, ишлайдиган оналар учун энг яхши кўмакчидир. Замонавий технология — компьютер, планшет, телефон ёрдамида болага аудио эртак қўйиб бериб, бемалол уй юмушлари билан шуғулланиш мумкин, демак вақт тежаллади.

Аудио эртакнинг бир қатор афзалликлари бўлса-да, зиёни ҳам йўқ эмас.

— Эртак болага, энг аввало, кишилар ўртасидаги муносабатларни ўрганишга ёрдам беради, — дейди Риштон туманидаги "Пахтаой" мактабгача таълим муассасаси тарби-

ячиси Дилшода Асқарова. — Фаолиятим давомида болага эртак қўйиб беришнинг турли усулларини кўлаб кўрганман. Кузатишларимдан маълумки, DVD орқали аудио эртак қўйиб берганимда, болалар тинчланмайди, аксинча хона шовқин-суронга тўлиб кетади. Кўлимга китоб олиб охиста, образли тарзда эртак ўқий бошласам, ҳаттоки энг тўполончи бола ҳам жим бўлиб, жон қулоғи билан тинглайди. Эртак моҳиятини тезроқ англашда темирдан чиқаётган овоз эмас, инсоннинг жонли товуши муҳим аҳамиятга эга, деган хулосага келдим. Буни жонли ижро ва фонограммага қиёслаш мумкин.

Аудио эртак билан бола қалбига етиб бориш кийин. Уни тинглаётган бола эртакдаги тушунмаган сўзларини сўролмайдди, овозга изоҳ беролмасиз ҳам. Бундан ташқари, гуруҳдаги барча болаларнинг ижодий қобилияти бир хил эмас. Шу сабабли, аудио эртак ҳамма бола учун ҳам бирдек қулай эмас. Боғча ёшдаги болани бундай эртак тезда зериктиради. Боғчада тарбиячиси, уйда ота-онасидан эртак тингланган бола ҳақиқий меҳрни туюди, сўраб-сўраб кўп нарсани ўрганади. Мактаб ёшдаги бола эса китобдан эртак ўқир экан, ундаги барча сезгилар фаол ишлайди, агар у кетмакет аудио эртак ёки китоб эшитаверса, бу уни дангаса қилиб қўяди. Чунки эшитиш ўқишдан кўра осонроқ-да.

Ақсарият ота-оналар иши кўплиги ва вақти тиғизлиги сабабли одатда фарзандига аудио эртак қўйиб беради. Уларга шундай деган бўлардик: "Нахотки, болангизга уйку олдидан ярим соат вақт ажратолмасангиз? Агар болангиз аудио эртак айтётган сўхандон овози ва онанинг жонли товушини танлаш имкони берилса, у албатта, сизни, онасини танлайди!"

**Жамила АСҚАРОВА**

## Меркурийда ҳам қор ёғадими?

Олимлар мана неча йиллардан бери коинотдан ҳаёт излаётгани, турли тажрибалар ўтказётгани барчамизга маълум. Масалан, Қуёш системасидаги Қуёшга энг яқин ва кичик сайёра Меркурийга оид энг сўнгги маълумотлар ҳам ҳануз жумбоқлигича қолмоқда.

Меркурий Ерга қараганда 20 марта кичик ва энгил сайёра. У Қуёш атрофини 88 кунда тўлиқ айланиб чиқади. Меркурий Қуёшга ўта яқинлиги ҳамда ўлчамли кичик бўлгани сабабли кам ўрганилган сайёралар қаторига киради.

Меркурий Қуёш чиқиши олдидан ва боғдан сўнг унинг яқинида кўринади. Диаметри 4865 км, орбитал ҳаракатининг тезлиги 47,9 км/с.ни ташкил этади. Меркурий Қуёшдан 28 градус узоқлашгани сабаб уни кузатиш қийин, шунинг учун кечки пайт ёки эрта тонгда кузатилади. Бу вақтда Меркурий фазаси деярли 90 градусга тенг бўлиб, кузатувчига унинг ёритилган ярим доираси кўринади. Сайёра ядроси асосан темир ва олтингугурдан ташкил топган. Юзасида қора, оқш доғлар ва кучсиз атмосфера ( $\text{CO}$ ,  $\text{O}$ ,  $\text{O}_2$ ) борлиги аниқланган. Шунингдек, унинг таркибида водород, гелий, кислород, инерт газлар, хусусан, кам миқдорда неон ва аргон бор. Меркурийнинг табиий йўлдоши мавжуд эмас.

Ердагидек магнит майдони, яъни магнитосфера Юпитер, Сатурн, Уран ва Нептунда бўлганидек, Меркурийда ҳам мавжуд. Сайёра ҳақидаги «Қандай қилиб шундай кичик сайёра ўз магнитосферасига эга бўлиши мумкин?» деган савол олимларни қизиқтириб келмоқда. «MESSENGER» (Mercury Surface, Space Environment, Geochemistry) станциясида ўтказилган тадқиқотлардан сўнг ушбу магнит қатламнинг ўзига хос жиҳатлари ойдинлаша бошлади. Асосий натижалар аллақачон монография ва ўқув қўлланмалардан жой олди.

Авалло фазовий жисм ўз магнитосферасига эга бўлиши учун унда магнит майдони ҳосил қилувчи асос бўлиши лозим. Кўплаб олимларнинг фикрича, бунинг учун сайёрада динамо (ўзгармас ток ҳодисаси) эффекти юз бериши керак.

Шу ўринда айтиш жоизки, тадқиқотчиларнинг кўп йиллик ўрганишларига қарамай, Ернинг магнит майдони ҳақидаги қарашлар ҳамон ноаниқлигича қолмоқда. Альберт Эйнштейн уни илм-фаннинг бешта энг муҳим муаммоларидан бири, деб ҳисоблаган. Меркурийни тадқиқ этиш негизда ҳам асосан унинг магнитосфераси хусусиятларини ўрганиб, таққослаб, Ернинг магнит майдони ҳақида янаям кўпроқ маълумотга эга бўлиш мақсад қилинган.

Маълумки, Меркурий 500—600 километрдан иборат кучли силикат қобққа ва 50 фоиз миқдордаги темир ядрога эга. Шу боис олимлар сайёрадаги радиоактив элементларнинг парчаланishi ҳисобига юзага келадиган оқш натижасида суяқлик ҳосил бўлиб иссиқлик ажралади, бу эса магнит майдонини ҳосил қилади, деб ҳисоблайди.

Меркурийнинг магнитосфераси ҳақидаги илк маълумотлар 1970 йилларда ўрганилди. Меркурийда кучсиз магнит майдони борлиги илк бор 1974 йилда АКШнинг «Mariner 10» станцияси томонидан аниқланган. Уларнинг кўпчилиги динамо эффекти билан боғ-

лиқ. «MESSENGER»нинг тадқиқотлари-га кўра, Меркурийнинг магнит майдони ўртача 3,7—3,9 миллиард йиллик ва шимолий ярим шарда жанубийга қараганда кучлироқ. Ушбу магнит майдоннинг кучланганлиги қиймати Ерникига нисбатан 100 марта кичик, Марсникига нисбатан катта.

НАСА лойиҳаси асосида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Меркурий ядросининг анчагина эригани аниқланди. Буни Ердан туриб радар орқали ўтказилган таҳлил натижалари кўрсатмоқда.



Олимлар темир ва олтингугурт қоршамасига ўта юқори ҳарорат ва босим бўлиб, Меркурий ядросининг физик ҳолатини ўрганиб чиқди. Ҳар бир тажрибада қоршима белгилаб қўйилган маълум босим ва ҳарорат остида қиздирилиб, улардан намуна олинди ва совутилди, бўлақларга бўлиниб, электрон микроскоп ва микроанализатор ёрдамида тадқиқ этилди. Тажрибалар натижасида бир неча хулоса юзага келди.

Олимлар фикрича, магнит майдонини кучсизлиги боис Меркурий юзаси олтингугурт ва темир қоршамаси билан қопланмоқда. Қуёшдан келаётган радиоактив зарралар туфайли эриган темир ва олтингугурт қоршамаси Меркурий ядросининг сиртки қатламида совиydi ва унинг учқунлари «қор»га айланиб сайёра маркази юзасига тўкилади. Бундай ҳолат Қуёш системасида ягона бўлиши мумкин.

Шунингдек, сайёранинг совуши ва ҳажми қисқариши жараёни сабабли унинг қатламида улкан тоғ тизмалари вужудга келиб, баъзилари деярли 2 минг км. узунликка чўзилган ва 3 км. баландликкача етган.

Меркурийни ўрганиш бўйича тадқиқотлар асосан «Mariner 10» ва «MESSENGER» станциялари томонидан олиб борилади. 2018 йилда Япония Меркурийга учинчи миссияни амалга оширишни режалаштирган. Сайёрага икита станция парвоз қилади. Биринчиси — MPO (Mercury Planet Orbiter) фазовий жисм юзасининг янада аниқроқ харитасини тузиш билан шуғулланади. Иккинчиси — MMO (Mercury Magnetospheric Orbiter) магнитосферани ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боради. Бирок парвоз 2018 йилда амалга оширилса-да, миссиянинг илк натижаларини узоқ кутишга тўри келади, чунки унга тегишли белгилар тўғрисидаги маълумот станцияга 2025 йилда етиб келади.

Геофизика Ер шарининг умумий физик хоссаларини, унинг қаттиқ, суюқ ва ҳаво қатламларидаги жараёнларни ўрганадиган фанлар мажмуасидир. Учта катта бўлимдан иборат: ер физикаси, гидрофизика ва атмосфера физикаси. Фаннинг тадқиқот усуллари хилма-хил бўлиб, улар қаттиқ, суюқ ва ҳаво қатламларининг хусусиятларини ўрганиш билан фарқ қилади.

## Геофизиканиннг энг муҳим муаммоси

Геофизиканиннг бевосита Ерни ўрганиш билан шуғулланадиган қисми амалий ва умумий бўлимлардан ташкил топган. Амалий геофизикага электроразведка, сейсмик разведка, магниторазведка, гравиметрик разведка, радиометрия, теплометрия усуллари киради. Улар фойдали қазилма конларини кидиришга қаратилган. Умумий геофизика эса Ернинг ички ва устки қатламларидаги физик майдонлар ва жараёнларни ўрганади.

Ер пўстининг ҳар хил чуқурликда рўй берадиган физик, механик жараёнларининг табиати мураккаб эканлиги экспериментал геофизикани ташкил қилиш ва ривожлантиришга туртки бўлди. Хусусан, тоғ жинслари намуналарининг магнит, электр, тўлқин ўтказиш ва бошқа физик хусусиятлари лабораторияларда турли шароит ва босимда ўрганилмоқда. Бу борада олимлар томонидан кўп йиллик халқаро ва миллий дастурлар асосида тўхтовсиз изланишлар олиб боришмоқда.

Геофизикадаги «Ернинг устки қисмидаги нуқталардан туриб, акустик тўлқинлар (зилзила)нинг бўлиб ўтган вақтини ўлчаш орқали унинг ички тузилишини аниқлаш мумкинми?» деган гипотеза ният ўзининг ижобий жавобини топди. Яъни америкалик олимлар сейсмологиянинг энг асосий муаммоларидан бири, уч ўлчамли тескари кинематик масалага ечим топилганини эълон қилди, деб хабар бермоқда «Nature News».

— Биз Х ни бузмай туриб, унинг ички тузилишини аниқлай оламизми, — дейди Стенфорд университети олими Андраш Васи. — Бунинг қулай усулларида бири Х орқали тўлқин юборишдир. Шунда унинг хоссаларини кузатиш ички тузилишини аниқлаш учун етарли бўлади.

Масаланиннг ечимини топган уч олимдан бири математик Гюнтер Ульман ушбу муаммо юзасидан ўттиз йилдан буён тадқиқот олиб боради. Ҳозир унинг бу муаммо ечимига бағишланган ишини сайёрамизнинг етук мутахассислари қўриб чиқмоқда.

Олимларнинг хулосаси, яъни уч ўлчамли тескари кинематик масала маълум вақтда геодезик чизик (икки нуқта орасидаги метр ўлчови асосида ҳисобланган энг қисқа масофа) бўйлаб тўлқинларнинг тарқалиши муҳитидаги тезлигини ҳисоблашга қаратилган бўлиб, бу билан тўлқиннинг манбаси ва уни қабул қилувчи нуқта топилди.

Геофизикада тескари кинематик ҳаракат масаласи биринчи ўринда туради ва у билан

юз йилдан буён кўплаб олимлар шуғулланиб келмоқда. Ушбу кинематик масалани ҳал қилиш негизда тўлқин тарқалиш муҳитининг Ер қатлами кўринишида юз беришини тасаввур қилиш ётади. Олимлар уч ва ундан ортик қатлам сатҳидан, ҳар бир мана шундай қатлам учун тезликни босқичма-босқич аниқлаш асосида мазкур масалага ягона ечим топилди.

Масаланиннг уч ўлчамли вариантга ечим топилши геофизика ва сейсмология соҳаси ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлиб, у Ернинг чуқур қатламларини, ички геологик тузилиши (литосфера, мантия ва ядро) ҳолатини ўрганиш, фойдали қазилмаларни аниқлаш, қидириш борасида юқори аниқликка эришиш имконини беради. Шунингдек, бу сейсмологлар фикрича, Исландия ва Гавайи ороллариинг мантиясини янада чуқурроқ ўрганиш ва геофизиканиннг бошқа — фан учун қоронғи бўлган қирраларини очишда қўл келади.

Олимлар Ернинг ички тузилишини таҳлил этиб, «юқори»га кўтарилган сари муаммолар сони ортмоқда. Булар асосан литосфера (Ернинг қаттиқ қобқи) қатламидаги тектоник (структураси, ҳаракати, деформацияси) хусусиятлар ҳисобига тўри келмоқда. Анриқроғи, Ер Қуёш системасида тектоник ҳаракатлар мавжуд бўлган ягона сайёра ҳисобланади, аммо ҳеч ким унинг қачон ва қай тарих пайдо бўлганини билмайди. Шу маънода, геофизиканиннг энг муҳим жумбоғи ҳали ҳам Ернинг магнит майдони билан боғлиқлигича қолмоқда.


Ишонасизми, энг етук геофизиклар ўзимиз яшаб турган Ернинг ички тузилишидан кўра, мингларча қақирим олисдаги Марснинг юза қисми ҳақида кўпроқ аниқ маълумотга эга. Бу Ернинг хусусиятларини ҳали жуда кўп ўрганиш лозимлигини кўрсатиб турибди. Масалан, япониялик олимлар яқинда лаборатория текширувлари натижасида Ернинг ички шароитидан келиб чиқиб, сайёра ядросида темир ва никелдан кейинги учинчи асосий таркибий қисми, яъни кремнийни аниқлашди. Шунингдек, Ернинг мантияси тузилиши ҳақида ҳам геофизикада аниқ фактлар етарли эмас. Мантия тубида, тўрт оздан минг километргега бўлган чуқурликда улкан сув захираси борлиги маълум бўлди, аммо у барча қатламларга тарқалганми ёки фақат маълум чегараланган қисмларини эгаллаганми, бу каби саволларга жавоб йўқ.

Геофизиканиннг ушбу муаммосини қисман бўлса ҳам ўрганиб чиқиш математикларнинг зиммасига туша, ажаб эмас.

2017-yil 12-aprel, № 29 (8990)

### ТИМСОҶБОШЛИ ЙИРТҚИЧ ТИРАННОЗАВР

Австралия ва АҚШ олимлари «*Daspletosaurus hogneri*» деб аталувчи тираннозавр турига кирувчи динозавр қолдиқларини аниқлади. Бу ҳақдаги мақола «*Scientific Reports*» журналида босилди.




«Lenta.ru» манбасида келтирилишича, палеонтологлар динозавр қолдиқларини АҚШнинг Монтана штати ҳудудига топган. Скелетлар таҳлиliga кўра, ҳайвоннинг баландлиги 2,2 метр, узунлиги эса 9 метрни ташкил қилган.

Бошининг олд қисмида текис тангачалардан иборат юқори сезгирликка эга ҳимоя қатлами бўлган. Олимларнинг таҳмин қилишича, айнан шу қатлам динозавр билан бирга, ўз ўлжасининг қаердалигини аниқлашига ҳам кўмаклашган.

Динозаврнинг бош тузилиши ҳозирги тимсоҳларнинг бошига ўхшаб кетади. Мутахассислар ушбу янги тур 66—100 миллион йил аввал Шимолий Америкада яшаган йирик йиртқичлар оиласига мансуб, деган фикрда.

### ЁНҒОҚ ЮРАККА ҒОЙДАЛИ



Америкалик олимлар ҳар куни ёнғоқ истеъмол қилиш юрак хуружидан ҳимоя қилишини аниқлади. Бу ҳақида «Ортодокс» тиббий порталида маълум қилинди.

Олимлар ортиқча вазнга эга 15 киши иштирокида тадқиқот ўтказди. Кўнгиллилар икки гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳга факат ёғли овқат ва ёнғоқдан тайёрланган ичимлик берилди. Навбатдаги гуруҳ иштирокчилари эса ёғли таом ўрнига ёнғоқли егуликлар истеъмол қилди.

Тадқиқотчилар овқатдан олдин ва ундан кейин иштирокчиларнинг қонидаги ёғлар ва инсулин даражасини ўлчаб борди, ультратовуш ёрдамида қоннинг артериядан ўтишини кузатди.

Маълум бўлишича, овқатланиш рационалига ёнғоқ ва ёнғоқли маҳсулотлар қўшилганда артерияларнинг ифлосланиш жараёни тўхтаган. Демак, ёнғоқ организмда зарарли ёғлар миқдорини пайсатириб, юрак-қонтомир касалликлари хавфини бартараф этишга қодир экан.

### МУШУКЛАР УЧУН МУҲИМИ ҚАЙСИ?



АҚШнинг Орегон штати университети олимлари антиқа тажрибага қўл урди. Аниқроғи, улар мушукларнинг худбин ёки худбин эмаслигига доир тадқиқот ўтказди.

«Meduza» манбасида келтирилишича, мушукларга овқат ейишдан кўра, инсонлар билан вақт ўтказиш кўпроқ ёқаркан.

Тажриба жараёнида 50 та хонаки ҳамада эгасиз ҳайвонлар сақланадиган жойдаги мушуклардан фойдаланилди. Жониворлар бир неча соатга овқат, ўйин-



чоқ, ҳид ҳамда одамлар билан мулоқотдан атайин узиб қўйилди. Кейин эса мушукларга юқоридаги тўрт омил тақдим қилинди. Олимларни мушуклар дастлаб нимани танлаши қизиқтираётганди.

Этиборлиси, тажрибадаги 50 фоиз мушук бошқа омиллардан кўра, одамлар (ўз соҳиблари) томон «ошиққан». Аксарият мушуклар изоляциядан сўнг, иккинчи навбатда овқатни танлаган.

### ДЕНГИЗ СУВИНИ ИЧИМЛИК СУВИГА АЙЛАНТИРИШ УСУЛИ

Манчестер университети олимлари Нобель мукофоти совриндори Андрей Гейм билан биргаликда денгизнинг шўр сувини ичимлик сувиغا айлантириш усулини яратгани «*Nature Nanotechnology*» нашрида ёзилди.

Мутахассислар денгиз сувини туздан тозаловчи ва уни ичиш учун яроқли ҳолатга келтирадиган графен галвир яратди. Графен оксидидан махсус мембрана яратилиб, катта миқдордаги шўр сувини чучуклаштириш технологияси ишлаб чиқилди.

Олимлар мембранани мустаҳкамлаш ва унинг шишиб кетишининг олдини олиш учун эпиксид елимидан фойдаланган. Сўнгра галвир тешиклари ўлчаларини тузни ушлаб қоладиган ва тоза сув молекулаларини ўтказадиган даражадаги ҳажмга келтирган.

Этиборлиси, маъкур замонавий филтёр тизими углерод толалари ёрдамида яратилган. Кўплаб минтақаларда, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам ичимлик суви захиралари тобора камайиб бораётгани боис тадқиқотчилар ўз иш-лаларининг истиқболига ишонмоқда. Бинобарин, йилдан йилга чучук сувга бўлган талаб ортиб бормоқда.

### ТАЖРИБАДА ЎН МИНГ ҚУЁШ НУРИ

Германия авиация ва космонавтика маркази олимлари бир жойга ҳамлаш мумкин бўлган ниҳоятда қудратли ёруғлик тизимини яратди. У 10 минг қуёш радиациясига эквивалент сифатида ишлаб чиқилгани айтилмоқда. Яқинда ilk мартаба синовдан ўтказилган тажриба тизими ҳақида «Gizmodo» портали хабар берди.

Тадқиқот муаллифларининг мақсади экологик соф ёқилғи яратишнинг янги усулларини топишдан иборат. Тизим ёруғликни бир нуқтага қаратиб, металл 800 даражагача қиздиради, шундан сўнг уни сув буғида ушлайди. Металл сувдаги кислород билан реакцияга киришади, водород эса қолади.

Тизим 149 косно қисқа ёйли ёруғлик лампаларидан иборат (бундай лампалар асосан кинолойихаларда қўлланилади). Марказ директори Бернгард Хоффшмидтнинг сўзларига кўра, тизим 3000 даражагача ҳароратни ишлаб чиқара олади. Тузилма баландлиги 14, кенглиги эса 16 метр.

Ҳозирча тизим тўрт соатда оддий уйга бир йилда сарфланадиган электр энергиясини сарфлайди. Олимлар яқин бир неча йил ичида тизимни янада такомиллаштириб, уни қуёш батареяларидан қувватлашга ўтказишни мўлжалламоқда.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ тайёрлади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети жамоаси университети Н. Бошланғич таълим ва жисмоний маданият факультети «Бошланғич таълим методикаси» кафедраси профессори Маманазар Жумаевга волидаи муҳтарамаси

ЗУҲРА момонинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Математика факультети «Математик моделлаштириш ва криптоанализ» кафедраси профессори, физика-математика фанлари доктори

Ҳафиз МУЗАФАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига таъзия билдиради.

### Аҳоли саломатлиги йўлида

Миллий матбуот марказида Фавқуллода вазиятлар вазирлиги томонидан «Крим-Конго ва бошқа геморрагик иситма касалликларининг олдини олиш бўйича республикамиз миқёсида олиб борилаётган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат ветеринария бош бошқармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, ветеринар-шифокорлар, олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Кунлар исиши билан бошқа ҳашоратлар каби каналарнинг ҳам фаоллашиши кузатилади. Улар орасида инсон ҳаёти учун хавфли бўлган иксод каналар Крим-Конго геморрагик иситма касаллиги-

ни ташувчи ва кўзгатувчи ҳисобланади, — деди Давлат ветеринария бош бошқармаси ҳайвонларнинг юқумли касалликларига қарши курашиш бўлими бошлиғи Аброр Акбаров. — Инсон соғлиғига жиддий зарар етказадиган, ўта хавфли юқумли касалликлар гуруҳига кирувчи бу хасталик асосан санитария қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда майда ва йирик шохли қорамоллар жунини олиш, боқиш, канасини териш жараёнида чақиши орқали одамга юқади. Иксод каналари-

нинг ҳазм йўлларида кўп миқдорда касаллик кўзгатувчи вируслар бўлиб, қон орқали тарқалади. Турли шароитга ниҳоятда чидамли бўлган ушбу зараркунанда молхона ва кўтонлар девори тирқишида ўн йилгача оч ҳолда жон сақлаши исботланган. Шу боис яқка хўжалиқларда, айниқса қишлоқ жойларда чорва молларини сақлаш тартиби ва шароитини тўғри ташкил этиб, каналар кўпайишига йўл қўймакликка алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Анжуманда мутахассислар ушбу касаллик профилактикаси ва фуқаролар саломатлиги муҳофазаси йўлида амалга оширилаётган самарали чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Шерзод УЛАШОВ

Доно халқимиз бежиз «*Ўт балосидан сақласин*», демайди. Ҳолбуки, ушбу катта фожиа ёнғин хавфсизлигининг энг оддий талабларига риоя этилмагани оқибатида содир бўлади.

### Ўзимиз ўрناق бўлайлик!

Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари кенг қўлмали тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Айниқса, вояга етмаган ўқувчи ёшлар билан учрашувлар чоғида ёнғин қандай оқибатларга олиб келиши хусусида батафсил тушунча, зарурий маълумот бермоқда.

Катта талофат келтириб чиқарувчи ёнғиннинг даҳшатли оқибатларидан бохабар бўлаётган ёшлар бу борада сергак тортмоқда. Бироқ баъзан катталарнинг қўлбола электр иситиш мосламасидан фойдаланиши, ёнғин

хавфсизлиги қоидаларига бефарқлиги кишини ташвишга солади.

Ёнғин офатида сабаб бўлувчи бундай нохуш ҳолатлар тақрорланмаслиги учун, энг аввало, ўзимиз фарзандларимизга ўрناق бўлишимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилишимиз зарур. Шундагина яқинларимизнинг тинч-тотув ҳаёт кечирishiга ҳисса қўшган бўламиз.

У.УСМОНОВ,  
12-ҲЕҲО 26-ҲЕҲҚ кичик инспектори, сержант Шерзод САДЕНОВ,  
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ кичик инспектори

Таниқли матншунос Ваҳоб Раҳмон бадий асарлар, айниқса мумтоз адабиётимиз намуналари китобхонлар ҳукмига имло хатоларисиз ҳавола қилиниши йўлида, заҳмат чекиб келаётган олимлардан бири. "O'zbekiston" НМИУда ўтган йили олимнинг "Мумтоз сўз сехри" мақолалар тўплами чоп этилди. Навоийшунослик, бобуришунослик ва матншунослик сингари уч қисмдан иборат мазкур китобнинг асосий қисми матншуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган.

## Сехрли заррабин соҳиби ёки кўзгута олим

Ваҳоб Раҳмон мумтоз адабиётимиз билимдони сифатида навоийшунос ва бобуришунослар орасида алоҳида мавқега эга олим. Ярим асрдан буён унинг шеърый санъатларга бағишланган юзлаб мақолалари, "Шеър санъатлари", "Бадий санъат жозибаси" (ҳаммуаллифликда), "Бадий санъатлар" (ҳаммуаллифликда) рисоалари қайта-қайта нашр этилган. Олимнинг шеърый санъатларни пухта билиши Навоий ва Бобур сингари забардаст шоирларимиз газалиётю дostonларини таҳлил қилишида жуда қўл келган. Бир мақоласида Алишер Навоийнинг "Қаро кўзим" газали матлаҳидан – бир байтдан ўн та бадий санъатга этиборни тортса, бошқа бир суҳбатда Шермуҳаммад Муинсинг:

*Кўз қаро қилма гайр қонига,  
Қоним ич қона-қона, эй қаро кўз,  
байтида ўн тўртта шеърый  
санъат қўлланганини таъкидлайди.*

Мирзо Бобурнинг:  
*Жаврда нодир, зулмда моҳир,  
Ишвада қодир, галзада устод,  
байтининг бадий жозибаси  
ҳақида эса тўлқинланиб шундай  
ёзади:*

"Шу биргина байтнинг поэтик фазилатларини бир дафтар қилиб шарҳласа арзийди. Икки-тагина мисрада яратилган маъшуқа тимсоли феъл-атворининг кўпқирралигага этибор берайлик. Янгича поэтик шакл мўъжиза содир этиб, анъанавий фикрларни янгидан жонлантирган, залвор берган, оҳрли қилган. Шу биргина байтда шоир ишвада қудратли, ғамза қилиш (кўз сузиш)да устоз даражасидаги, жабрнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган хилларини ошиқ бошига сола оладиган, зулмни моҳирлик билан ўтказса оладиган маҳбуба сиймосини ярата олган".

Ваҳоб Раҳмон матншунослик муаммоларига "мумтоз адабий анъаналарни билиш тақозоси ва мантиқий соғломлик мезони юзасидан" ёндашади. "Олимнинг хатоси оламнинг хатосига айланишига" йўл қўймастик ҳақида қайг'урди.

Ваҳоб Раҳмон фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ атоқли навоийшунос олим Ҳамид Сулаймоновнинг назарига тушганини, қолаверса, академик Алибек Рустамов унинг бу борадаги салоҳатига юқори баҳо берганини ҳам қўшимча қилиш жоиз.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ваҳоб Раҳмон нанки матнчи ва лугатушунос, шунингдек таниқли адабиётшунос олим ва таржумон ҳисобланади. У Алишер Навоий асарларини нашрга тайёрлашда, айниқса, жонбозлик кўрсатган олимлар сирасига қиради. Бу борада асосий хизмати – 2006 йилда "Хамса"нинг беш дostonи аслияти (шеърый) ва табиблини (насрий баён) билан беш мустақил китоб ҳолида Фафур Фулом

номидаги адабиёт нашриётида нашр эттирди.

Каромат Маллаҳўжаева билан ҳамкорликда "Бобурнома"ни ҳозирги ўзбек тилига таъдил қилган. Бобуришуносликка қўшган салмоқли хиссаси учун 2008 йилда Халқаро Бобур мукофотига сазовор бўлган.

Ваҳоб Раҳмон рафикаси Янглиш Эгамова билан эса Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий" асарини ўзбек тилига таржима қилди.

Ваҳоб Раҳмон шоҳ ва шоир Мирзо Бобурнинг 1994 йилда чоп этилган "Девон"и тўғрисидаги мақоласида йўл қўйилган матний ва имловий хатоларни тилга олар экан, шундай якуний фикр билдиради: "Бундай жиддий нуқсонлар бу девон таркибда юздан ошмаганида эди, балки бу мақола ёзилмас ҳам эди..." Кўриниб турибдики, битта китобдаги хатолар ҳатто юздан ҳам ортиқ эканига чидай олмаган олим охир-оқибат

қўлига қалам олишга ва айримларини бирма-бир қайд этишга мажбур бўлган. Бу борада олимнинг ўзи шундай мулоҳаза билдиради: "Менинг хулосаларим ёздаги момақалдироқдай нохуш эшитилади. Нетай, мен – кўзгута олимман. Матнчи ва матншуносларга, биринчи навбатда, навоийшуносларга кўзгу тутаман".

Мумтоз адабиётимиз намуналарини нашр этиш борасидаги нуқсонларга бундан буён йўл қўймастик мақсадида Ваҳоб Раҳмон қуйидаги тақлифларни ўртага ташлайди: "Менимча, мумтоз нашрларимиз қайси нашриётдан чиқишдан қатъи назар, унга нашриёт муҳаррирининг ўзигина масъул бўлиши мумкин эмас. Чумчуқ сўйса ҳам қасосб сўйсин. Матнни матншунос тайёрласин".

XX асрда Порсоҳон Шамсиев, Ҳамид Сулаймон сингари матншунослар фаолият юритди. Улар мумтоз адабиёт намуналарини ҳозирги алифбога кўчиришдек заҳматли ишларни амалга ошириб, маънавиятимизга салмоқли хисса қўшди. Афсусланарли жиҳати шундаки, улар матншунослик борасидаги тажрибаларини батафсил баён қилмаган. Қувонарли жиҳати шундаки, Ваҳоб Раҳмон навбатдаги тўпламида матншунослик муаммолари ва уларни бартараф этишга оид мулоҳазалари билан бир қаторда ўзининг бунга оид тажрибаларини ҳам батафсил баён этади, бу эса келгусида мазкур соҳа мутахассислари учун беназир қўлланма вазифасини ўтайди. Шу жиҳатдан олганда, олимнинг мазкур фундаментал асарини матншунослик назарияси деб аташ мумкин. Бинобарин, мазкур китоб келгусида матншунослик муаммоларини бартараф этишдек хайрли ишда муҳим қўлланма бўлиши шубҳасиз.

**Абдуҳамид ПАРДАЕВ**

## Ёш тилшунослар устози

*Орзуларини мақсадга айлантирган одам умрига мазмун бериб яшашни энг олий мақсад деб билади. Ўзини танлаган касбига бағишлаб, эл-юртига садоқат билан меҳнат қилади. Асли жомбойлик устоз педагог Абдураҳим Ражабов ҳам шундай инсонлардан.*

Ёшлик йиллари олий ўқув юртига кириб, она тилимиз қонуниятларини чуқур ўрганиш ва ёш авлодга ўргатиш Абдураҳим аканинг энг катта мақсади эди. Тез орада Самарқанд давлат университетининг филология факультети талабаси бўлди. Олтин давр саҳифаларини илм билан тўлдирган йигит университетни имтиёзли диплом билан тамомлади.

1968 йили педагог аввалги Сирдарё давлат педагогика институтига ўқитувчиликка ишга тақлиф этилди. Тиришқоқ ва изланувчанлиги туфайли тез орада жамоа хурматини қозонди. Камолот пиллапояларидан жадал кўтарилиб, катта ўқитувчи, кафедра мудири, декан ўринбосари вазифаларида самарали фаолият юритди.

Домла турли масъул вазифаларда ишлаш билан бирга, илмий изланишларини ҳам изчил давом эттирди. Жумладан, ҳозирги замон ўзбек адабий тили морфологияси, халқ дostonларининг тил хусусиятлари, ўзбек тили гидронимлари ва топонимикасига оид тадқиқотлар Абдураҳим Ражабовнинг илмий йўналиши ҳисобланади. Саксондан зиёд илмий-методик мақолалар муаллифи. Хусусан, "Равшан" дostonининг тил хусусиятлари бўйича узоқ йиллар кузатишлар олиб бориб, туркум мақолалар

эълон қилган. Сирдарё гидроними этимологиясига доир катор мақолалар ёзган. Ўзбек тили ва адабиётининг фундаментал намунаси бўлган "Девону луғотит турк"даги топонимларнинг маънолари шарҳланган туркум мақолалар ҳам тажрибали педагогнинг илмий тафаккури маҳсулидир. Домланинг яқинда нашр этилган "Мурод манзили" номли китоби ҳам тилшунослар томонидан ижобий баҳоламқода.

Абдураҳим Ражабовнинг олий ўқув юртлари талабалари учун ёзган курс қўлланма ва мажмуалари ўзбек тилшунослигига янги кириб келган систем тилшунослик андозаси асосида яратилган бўлиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Энг яхши ўқув адабиёти" кўрик-танловида рағбатлантирувчи ўринга сазовор бўлган.

Бу йил 75 ёшни қаршилаган устоз педагогнинг шижоатини, ҳамон илмга, изланишга иштиёқини кўриб, кишида улкан ҳавас уйғонади.

— Юртимизда кекса авлодга кўрсатилаётган юксак этибордан биз, нурунийлар мамнунмиз. Яшашга, ёш авлодга таълим-тарбия беришга ҳамда изланишга иштиёқимиз янада мустаҳкамланмоқда, — дейди домла.

**Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,  
Халқ таълими аълочиси**

Elda aziz

## Она тилимизнинг нуктадон билимдони

*Фразеология тилшуносликнинг ўта позик йўналишларидан бири бўлиб, у билан шугулланиш кишидан алоҳида қўнт, матонат ва изланувчанлики талаб этади. Бу борада ҳаётини она тилимиз бой имкониятларини тадқиқ этишга бағишлаган фразеолог олим Абди Мамаатов фаолияти ёш тадқиқотчилар учун улкан намунадир.*



Филология фанлари доктори, профессор Абди Мамаатов ҳозирги Санкт-Петербург давлат университетининг илмий тадқиқотлар олиб бориб, 1979 йили "Стилистические функции фразеологического единичия в произведении М.Эме" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлайди. Она юртдан узоқда, мусофир ўлкада ўз она тилида эмас, балки бошқа тилда қуларни тунларга улаб, француз ёзувчиси Марсель Эменинг француз тилидаги асарларидан мисоллар топиш, унинг стилистик хусусиятларини тил ва адабиёт нуктаи назаридан тадқиқ этиш олимдан катта маҳорат, изланувчанлик, метиндек бардошни талаб этгани

шубҳасиз. Йирик олим А.Назарян "Фразеология современного французского языка" номли китобида А.Мамаатовнинг фразеологик стилистика масалаларида олиб борган тадқиқотларига юқори баҳо беради.

Устоз Самарқанд ва Тошкентдаги бир неча олий таълим муассасалари талабаларига дарс бериш билан бирга, илмий изланишларини изчил давом эттиради. 1991 йили илмий маслаҳатчиси филология фанлари доктори, профессор Э.Бегматов ёрдамида "Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди. Забардаст олим қаерда, қандай лавозимда ишламасин илмий изланишларини изчил давом эттириб, эл-юртга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Шу билан бирга домла ўн йилдан буён Республикадаги маркази қошидаги инглиз, француз, немис ва бошқа чет тиллар бўйича илмий методик кенгашига раислик

қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2013 йилдан буён мамлакатимиз умумтаълим мактабларида 1-синфдан бошлаб хорижий тиллар ўқитилмоқда. Умумевропа компетенциялари асосида улуксиз таълим тизими учун чет тилидан давлат таълим стандарти ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Босқичма-босқич жаҳон андозалари асосида яратилган дарслик мажмуалари мазкур илмий методик кенгаши муҳокамасидан ўтказилиб чоп этилган, мактабларга етказиб берилмоқда.

Бу йил устоз қўтлуг етмиш ёшни қаршиляпти. Ҳамон руҳан тетик, шоғирдларидан билими ва холисона маслаҳатини аямайди. Юртимизда илм аҳлига, хусусан, катта тажриба ва билимга эга, фан ривожига улкан хисса қўшган кекса авлод олимларига қаратилаётган этибор ва ғамхўрликдан мамнун.

**Абдураҳим НОСИРОВ,  
Халқ таълими  
вазирлиги бўлими  
бошлиғи,  
филология фанлари  
доктори**

2017-yil 12-aprel, № 29 (8990)

# 8 ОЛТИН, 12 КУМУШ, 9 БРОНЗА!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пойтахтимиз мезбонлик қилган, Ўзбекистон шахмат федерацияси ва Осиё шахмат федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган, қитъамизнинг 17 давлатдан 400 га яқин шахматчи голиблик учун бахшланган Осиё чемпионатида ёш шахматчиларимиз 9 апрель — буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллуд тоғлан кунини 29 медал (8 олтин, 12 кумуш, 9 бронза) билан қарши олди!

Чиндан ҳам, 8, 10, 12, 14, 16 ва 18 ёшгача болалар ва ўсмирлар ўртасидаги баҳслар юқори савияда ўтказилди. Хиндистон, Хитой, Вьетнам, Эрон, Мўғулистон ва Қозғистон сингари шахмат жадал ривожланган давлатлар вакиллари дон дурган мазкур нуфузли халқаро мусобақад

да ўзбекистонлик ёш шахматчилар ҳам муносиб иштирок этди. 29 медал билан умумжамоа ҳисобида 2-ўринни олган мамлакатимиз терма жамоасининг бу муваффақиятига, айниқса Жавохир Синдоров (2 олтин), Афрўза Ҳамдамова (1 олтин, 2 кумуш), Шамсиддин Воҳидов (1 олтин, 1 кумуш, 1 бронза), Нодирбек Ёқуббоев (1 олтин, 1 кумуш) ва Гулруҳбегим Тоҳиржонова (1 олтин, 1 бронза) муносиб ҳисса қўшди.

Энди яқиний натижаларга тўхталсак. Демак, қитъа чемпионатида дон дурган 17 давлат шахматчилари орасида 10 мамлакат вакиллари стандарт, рапид ва блиц йўналишидаги 36 медаллар жамланмасидан қуйидаги миқдорда ўз улушини ажратиб олишди:

Мамлакат номи	Олтин	Кумуш	Бронза	Жами
1. Хиндистон	11	8	7	26
2. Ўзбекистон	8	12	9	29
3. Эрон	7	2	3	12
4. Қозғистон	5	1	3	9
5. Хитой	3	2	2	7
6. Вьетнам	2	7	4	13
7. Туркменистон	0	2	4	6
8. Мўғулистон	0	2	2	4
9. Қирғизистон	0	0	1	1
10. Шри-Ланка	0	0	1	1

Рапид мусобақасида 3 олтин, 4 кумуш, 3 бронза медални қўлга киритган ёш шахматчиларимиз стандарт шахмат йўналишида ҳам худди шундай натижага эришди: 3 олтин, 4 кумуш, 3 бронза. Теъорикчи талаб этадиган блиц баҳсларида эса, олтин медал битта қамади: 2 олтин, 4 кумуш, 3 бронза.

Эътиборлиси, 22 нафар шахматчимиз шохсупага кўтарилган бўлса, Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Ортиқ Нейматов, Георгий Шванов ва Моҳим Оразмуҳаммедовдан ташқари, қолган барча шахматчилар умумтаълим мактаблари ўқувчиларидир.

Голиблар орасида ҳатто ҳали мактабга чиқмаган болакай — 8 ёшгача ўғил болалар ўртасида блиц йўналишида кумуш медалга сазовор бўлган энг ёш спорт усталигига номзод Ҳумоюн Бекмуродов ҳам бор! У Юнусобод туманидаги 154-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси.



**Энди ўзбекистонлик Осиё чемпионати совриндорлари билан танишамиз:**

**Жавохир Синдоров** (12 ёшгача, стандарт ва блиц йўналишида олтин) — Сергели туманидаги 300-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

**Афрўза Ҳамдамова** (8 ёшгача, стандарт — олтин, рапид — кумуш, блиц — кумуш) — Самарқанд шаҳридаги 42-мактабнинг 1-синф ўқувчиси.

**Шамсиддин Воҳидов** (16 ёшгача, рапид — олтин, стандарт — кумуш, блиц — бронза) — Яшнобод туманидаги 307-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

**Нодирбек Ёқуббоев** (16 ёшгача, стандарт — олтин, блиц — кумуш) — Ҳазорасп туманидаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

**Гулруҳбегим Тоҳиржонова** (18 ёшгача, рапид — олтин, стандарт — бронза).

**Ортиқ Нейматов** (18 ёшгача, рапид — олтин).

**Исломбек Синдоров** (10 ёшгача, блиц — олтин) — Сергели туманидаги 300-мактабнинг 3-синф ўқувчиси.

**Одина Олимова** (8 ёшгача, стандарт — кумуш) — Сергели туманидаги 284-мактабнинг 1-синф ўқувчиси.

**Умархон Фахридинхўжаев** (10 ёшгача, стандарт — кумуш) — Шайхонтоҳур туманидаги 19-мактабнинг 2-синф ўқувчиси.

**Нодирбек Абдусатторов** (14 ёшгача, стандарт — кумуш) — Яшнобод туманидаги 152-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

**Шаҳрам Каримов** (8 ёшгача, рапид — кумуш) — Бухоро туманидаги 38-мактабнинг 1-синф ўқувчиси.

**Акобирхон Саидалиев** (10 ёшгача, рапид — кумуш) — Самарқанд шаҳридаги 2-мактабнинг 2-синф ўқувчиси.

**Нилуфар Ёқуббоева** (18 ёшгача, блиц — кумуш) — Ҳазорасп туманидаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

**Ҳумоюн Бекмуродов** (8 ёшгача, блиц — кумуш) — Юнусобод туманидаги 154-МТМ тарбияланувчиси.

**Моҳим Оразмуҳаммедова** (18 ёшгача, блиц — кумуш).

**Алихон Авазхонов** (8 ёшгача, стандарт — кумуш) — Миробод туманидаги 94-мактабнинг 1-синф ўқувчиси.

**Саидкарим Саидалиев** (16 ёшгача, стандарт — бронза) — Миробод туманидаги 218-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

**Ҳумоюн Синдоров** (8 ёшгача, рапид — бронза) — Сергели туманидаги 300-мактабнинг 1-синф ўқувчиси.

**Абдулбосит Шарифзонов** (10 ёшгача, рапид — бронза) — Сергели туманидаги 300-мактабнинг 2-синф ўқувчиси.

**Георгий Шванов** (18 ёшгача, рапид — бронза).

**Нозима Валиева** (8 ёшгача, блиц — бронза) — Сергели туманидаги 305-мактабнинг 1-синф ўқувчиси.

**Ситора Сапарова** (16 ёшгача, блиц — бронза) — Хатирчи туманидаги 5-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

(Давоми 16-бетда.)



## БАУСА ИШДАН БЎШАТИЛДИ

Футбол бўйича Аргентина миллий терма жамоаси бош мураббий Эдгардо Бауса ишдан бўшатилгани ҳақида мамлакат футбол ассоциацияси раҳбари Клаудио Тапия хабар берди.

«Fox Sports» нашрида ёзилишича, жамоа Э.Баусанинг хизматидан бошқа фойдаланмайди.

Олдин Бразилиянинг «Сан-Паулу», Аргентинанинг «Сан-Лоренсо» каби клубларини бошқариб, улкан ютуқларга эришган Эдгардонинг терма жамоада иши юришмади. 59 ёшли мураббий 8 матч ўтказиб, 3 тасида энгилди, 3 галаба ва 2 дуранг қайд этди. Айни дам аргентиналиклар «ЖЧ—2018»га саралаш мусобақасида 22 очко тўплаб, 5-ўринда турибди.



## КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛМОҚДА

«Mercedes» жамоасининг британиялик пойгачиси Льюис Хэмилтон «Формула-1» бўйича Хитойда ўтказилган Гран-при мусобақасининг иккинчи босқичида зафар қучгани ҳақида «Лента» хабар берди.

Ундан кейин маррага «Ferrari»нинг олмон спортчиси Себастьян Феттель етиб келди. Кучли учликдан «Red Bull» жамоаси етакчиларидан бири голландиялик пойгачи Макс Ферстаппен жой олди. Шахсий ҳисобда Л.Хэмилтон ва С.Феттель 43 очкодан тўплаб, рўйхатда пешқадамлик қилапти. С.Феттель Австралия Гран-присида галаба қозонганди.

Галдаги мусобақалар 14—16 апрель кунлари Баҳрайнда ўтказилади.

## 36 ҚАРРА ЧЕМПИОН

Канаданинг Эдмонт шаҳрида яқунланган кёрлинг бўйича жаҳон чемпионати финалида мезбонлар терма жамоаси Швеция билан куч синашди, дея хабар берди «ТАСС» манбаси.

Кучли ҳаяжон ва босим остида ўтган баҳсда канадаликлар 4:2 ҳисобида устун келди. Шу тариқа улар ўз тарихида 36-бор жаҳон чемпиони деган шарафга сазовор бўлди.

Аввалроқ бронза медал учун кечган баҳсда швейцарияликлар америкалик ҳамкасбларини енганди.

Келаси йили бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида АКШнинг Лас-Вегас шаҳри мезбонлик қилади.

## 1-ТЕННИСЧИ 2-ЎРИННИ ОЛДИ

Мексиканинг Монтеррей шаҳрида ниҳоясига етган теннис бўйича нуфузли халқаро турнирда россиялик ракеткачи Анастасия Павлюченкова германиялик номдор рақибаси Ангелик Керберга қарши қортга чикди, дея хабар берди «Sports» нашри.

Хотин-қизлар теннис ассоциацияси (WTA) ташкил этган мусобақанинг ҳал қилувчи учрашувида рус спортчиси иккинчи, немис вакиласи эса 1-рақамда рўйхатга олинганди.

Аммо амалда WTA рейтингини бошқариб турган Ангелик Кербер «иккинчи»га айланди. Яқиний натижа 6:4, 2:6, 6:1 кўринишини олди ва рус теннисчиси фойдасига ҳал бўлди.



## ДАРОМАД СЕЗИЛАРЛИ ОШДИ

УЕФА 2015/2016 йилги мавсумда 4,58 миллиард евро ишлаб олгани ҳақидаги молиявий ҳисобот ташкилот расмий сайтида маълум қилинди.

Хусусан, ушбу маблағнинг 70 фоизи, яъни 3,19 миллиард евро миқдоридидаги даромад марказий учрашувлар телетрансляцияларидан келган. Тижорий ишлаб савдо айланмаси ташкилот ҳисобига 928 миллион евро (20 фоиз), чипталар савдоси 429 миллион (9 фоиз) евро тақдир қилди. Уошманнинг бошқа ишлари боис яна 34,4 миллион евро жамғарилган.

Эътиборлиси, УЕФА ўша мавсумда 3,55 миллиард евро сарфлаганини ҳисобга олсак, соф фойда 1,27 миллиард евро ни ташкил этмоқда. 2014/2015 йилги мавсумда эса 2,1 миллиард евро ишлаган, аммо 1,98 миллиард евро харж қилинганди.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

## Хабарингиз борми?

Бангкок шаҳри(Таиланд)да бокс бўйича ўтказилган «Қиrol кубогі-2017» халқаро турнирида ўзбекистонлик спортчилар 1 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медал жамғарди. Хусусан, Исроил Мадримов олтин, Ҳасанбой Дўстматов ва Шаҳрам Гиёсов мураббийлар қарорига қўра, ҳал қилувчи беллашувларда қатнашмай, Элнур Абдураимов финалда енгилди, кумуш, Жасурбек Латипов, Шаҳобиддин Зоиров ва Мурадхон Аҳмадалиев бронза медалга сазовор бўлди.

Анталія шаҳри(Туркия)да дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при туркумидаги халқаро турнирда дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатидан келган 250 дан ортиқ дзюдочи каторида Ўзбекистон шарафини химоя қилган полвонимиз Мирзохид Фармонов ўз вазида барча рақибларини енгиб, голиб бўлди.

Бангкок шаҳрида бўлиб ўтаётган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз ёш спортчилари, хусусан, Кумушхон Файзуллаева қизлар ўртасидаги баҳсларда бронза медални қўлга киритди. Яна бир қизимиз Гулноза Аҳмадова битта бронза ва иккита кумуш медалга сазовор бўлди.

## 8 ОЛТИН, 12 КУМУШ, 9 БРОНЗА!



(Давоми. Боши 1-, 15-бетларда.)

Шахматчиларимизнинг ёш тоифалари бўйича энг кўп медалга 16 ёшгача ўсмирларимиз сазовор бўлди: 2 олтин, 2 кумуш, 2 бронза. Айниқса, стандарт шахмат мусобақасида шохсупадаги уч ўрин ҳам вакилларимизга nasib etgani bu ёшдаги шахматчиларимиз ҳақиқатан ҳам қитъада тенгсиз эканини исботлади.

Қолаверса, Жавоҳир Синдоров туфайли 12 ёшгача ўғил болаларимиз ҳисобига 2 олтин медалъ ёзилди. 8 ёшгача қизларимизнинг натижаси ҳам чакки эмас: 1 олтин, 3 кумуш, 1 бронза. 10 ёшгача ўғил болалар ва 18 ёшгача қизлар бир хил кўрсаткичга эришди: 1 олтин, 2 кумуш, 1 бронза. 18 ёшгача ўсмирлар 1 олтин, 1 бронза билан умумгазнага ҳисса қўшган бўлишса, 14 ёшгача ўғил болалар (1 кумуш) ва 16 ёшгача қизлар (1 бронза) кутилганидан камроқ натижа кўрсатди. 10, 12 ва 14 ёшгача қизларимиз биронта ҳам медалга сазовор бўлмаганлари эса мураббийларимизга огоҳлик кўнғироғи бўлиши лозим.

Хусан НИШОНОВ



## Бадминтон марказида машғулотлар қизғин



Урганч шаҳридаги бадминтон маркази 200 томошабинга мўлжалланган зал, 6 қишки ва 6 ёзги бадминтон корти, кийиниш-ювилиш, мураббийлар хоналаридан иборат.

Ўтган йил охирида фойдаланишга топширилган ушбу замонавий марказда 60 дан зиёд ёшлар маҳорат сирларини ўрганмоқда.

— Бадминтон ҳам бошқа спорт турлари каби доимий изланиш, шижоат ва ҳамжиҳатликни талаб этади, — дейди Урганч шаҳридаги 19-мактаб ўқувчиси Моҳира Эшжоновна. — Уч йилдан буён бу спорт тури билан мунтазам шуғулланаман. Келгусида катта галабаларни қўлга киритишни мақсад қилганман.

Шоназар ҚОРИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



## Ma'rifat

ТА'СИС  
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,  
О'zbekiston Oliy va o'rta maxsus  
ta'lim vazirligi, О'zbekiston  
Ta'lim, fan va madaniyat  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.

Бoш муһаррир Абдусамат РАҲИМОВ

Газета О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga  
olingan. Indeks: 149, 150. G-415. Tiraj 52143.  
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

ТЕЛЕФОНЛАР:

qabulxona — 233-50-55;  
kotibiyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



4 7 2 0 3 0 6 9 3 0 9 1

«Ma'rifat»dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqdir  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Qurbonboy MATQURBONOV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

О'ZA yakuni — 22.40 Topshirildi — 23.00

1 2 4 5 6